Гулбаҳор Ортиқхўжаева

ЙЎЛ

Шеърлар

MAJBURIY NUSXA

Тошкент
«Адолат»
2013

УДК: 821.512.133-1
84(5Ў)7
О-75

Ўзб. араб.

Масъул муҳаррир:
ҚУТЛИБЕКА РАҲИМБОЕВА

Ортиқхўжаева, Гулбаҳор
Йўл: шеърлар / Г. Ортиқхўжаева. Масъул муҳаррир Қ. Раҳимбоева. – Тошкент: «Адолат», 2013. – 160 б.

ISBN 978-9943-394-44-5 УДК: 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7

Инсон ҳаётида йўл алоҳида аҳамиятга эгадир. Мақсадга элтадиган орзу, умид йўллари, муҳаббатга туташ юрак йўллари, Ватан кенгликларига чорлайдиган садоқат, ишонч йўллари...

Қўлингиздаги китобни ўқир экансиз, Йўл ҳақидаги тасаввурларингиз янада тиниқлашади. Шеърий кайфият тухфа этган ёруғ йўллар эса, сизни нурли манзилларга чорлайди.

Ю 41095 2

ISBN 978-9943-394-44-5

2013/58
А 4589
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

© Гулбаҳор Ортиқхўжаева, 2013.
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги «Адолат» нашриёти, 2013.

Гуллаган дарахт

Ёпиб болаликнинг дарвозасини
Кенг кўчага чиқдинг — бу ҳаёт йўли.
Қайга ғойиб бўлди бармоқчаларинг,
Қўлларинг ҳам катта одамнинг қўли.
Энди нима иш қилмоқчисан?

ҚАЛБ

Қайси йўлдан юрай, билмай хунобман,
Булутларни ёриб чиққан офтобман.
Тақдиримни битган эгам ҳам ҳайрон,
Ҳали ҳеч ким ўқимаган китобман.

Биров тушунмайди менинг тилимни,
Ўзим бир таржимон излаб топмайман.
Холиқ билса билар дилда боримни,
Дардимни link бировга айтмайман.

Хотира дафтарим тарихи узун,
Ортга боқмам бахтли яшашим учун,
Кўнглимни титкилаб бир ҳис топаман
Фақат олдга қадам ташлашим учун.

Қафасдаги тутқун қуш дерлар мени,
Ҳали кўрилмаган туш дерлар мени.
Хандон отиб кулсам, бўларлар ҳайрон,
Йўқса, ношукур хомуш дерлар мени.

Бахт бахт излаб келар ҳар кун ёнимга,
Билмай тушиб қолар у зиндонимга.
Тоғдек юк елкамда, суянчиғим йўқ,
Суянсам суянгум бир иймонимга.

ГУЛЛАГАН ДАРАХТ

Мени кесишмоқчи, томирларимда
Ҳаётга ташналик сезилаяпти.
Қуёш чиқаяпти, йўлга термулиб
Негадир юрагим эзилаяпти.

Негадир бир таниш нигоҳ кўринмас,
Мени тушунгувчи дил топилмайди.
Менда ҳам юрак бор, қалб бор, меҳр бор,
Қалбим тўла орзу, биров билмайди.

Гоҳо гапираман гулларим билан,
Япроқлар шивири — сеҳрли қўшиқ.
Дардим айтолмасдан ёниб-куяман,
Топилмайди кузга мен каби ошиқ.

Одамларга ўхшаб гапиролмайман,
Нима қилай, менда тилу забон йўқ.
Йўлдан ўтган-кетган бир қараб ўтар,
Бу дунёда мендек моҳитобон йўқ.

Бир инсон ҳақида ҳар кун ўйлайман,
Аммо топилмайди кўрмоқ чораси.
Боласидек мени суярди, шунча
Меҳрли бўларми одам боласи!

Турналар сафида учгим келади,
Чорам йўқ, ўйлайман, фақат ўйлайман.
Яшагим келяпти, айниқса, ҳозир
Хушбўй гулларимга қараб, тўймайман...

Кўз очган булоқдек тонгга термулиб
Яшагим келяпти масрур, бахтиёр.
Кимнидир соғиниб кутиш мароқли,
Дунёда бундай бахт яна қайда бор!

Тан олиб боряпман бир ҳақиқатни —
Мағрур бўлар сира ўксинмаганлар.
Гуллаган чоғимда, энг аламлиси,
Кесишмоқчи мени тушунмаганлар.

* * *

Юрагимнинг ёнидан ўтган ёлгиз оёқ йўл —
Ҳали ҳеч ким қадам босмаган сўқмоқ.
Мен эса баҳорда қор ёгишини
Билмай эрта гуллаган дарахт.
Охири бахайр бўлсин умрнинг...
Умр нима ўзи?
Эриб битаётган оппоқ қорми у,
Тупроқнинг бағрига сингиб кетарми?
Пуштиранг гулидан айрилган дарахт
Тонгда унут бўлган тушга ўхшарми?
Нурли сочин ёйиб чиққанда офтоб
Осмонга буғ каби кўтарилади
Аламдан тўйинган заминнинг дарди.
Шу онда табиат тилга киради
Кўклам билан сўйлашмоқ учун.
Ёлғони фош бўлган кимсани кўрсам,
Негадир шу ҳақда ўйлайвераман.

* * *

Мажнунтол тагида ёғоч ўриндиқ,
Икки дил бир-бирин тинглар, индамас.
Мажнунтол ўй суриб олади ҳордиқ,
Икки дил бир-бирин англар, индамас.

Икки дил мажнунҳол, ўзни унутган,
Бир чора тополмас БАХТга етмоққа.
Мана бу дарахтдек журъат қилолмас
Олис-олисларга қочиб кетмоққа.

Инсон тақдиридан қочиб қутулмас,
Тирик жон бор экан, муҳаббат мангу.
Ҳижрон азобида куйиб, кул бўлган
Бедор юракларда яшайди орзу.

Қандай бахт, бунчалар ширин бу дийдор,
Сўнгги хайрлашув — сўнгги учрашув.
Бугун тасодифан учрашиб қолган
Маҳзун нигоҳларда бир ажиб туйғу.

Бахтли тасодифни қарангки, яна
Тақдир учраштирди айро йўлларни.
Улар ишонишар, умид қилишар
Бахт кутиб турибди сарсон дилларни.

Улар жим... гўёки вақт тўхтаб қолган,
Улар жим... жимгина чора излашар.
У дамлар орқага қайтмайди энди...
Вақт сира кутмайди, вақт яна шошар.

Лаҳзада тўқнашиб қолар нигоҳлар,
Кейин бир-бирининг қўлин тутишар.
Бахтга етишмоққа чора топилди —
Улар таваккалчи йўлин тутишар.

Йўл

Дарахт жим кузатиб қолар уларни,
Бундай хайрлашув янгилик эмас.
Ёлғизлик дардида йўлга термулиб
Мажнунтол уларга қилади ҳавас.

* * *

Кўклам келса, куртаклар кулиб кўзин очади,
Эрта-индин гул-япроқ бўлиб кўзин очади.
Баҳорой деган сулув, бир тенгсиз пари-пайкар
Пардани четга суриб, нозла юзин очади.

Майни кузатар экан, чигирткалар чалар соз,
Сулув бир сўз демасдан, ёз бўйи қилар пардоз.
Дарахтларнинг орзуси, қувончи, топган бахти
Июнь, июль, августнинг йўлларига поёндоз.

Япроқлар шивирида табиатнинг сири бор,
Уларнинг юз-кўзида фасллар тақдири бор.
Куз келганда хазонлар ҳолини сўровчи йўқ,
Билишмайди-да улар мен каби асири бор.

Хазонрезгида кезиб, ҳеч иш келмас қўлимдан,
Оловранг байроқ билан ёвлар чиқди йўлимдан.
Япроқларни кузатиб, оташ тушди қалбимга,
Япроқларни кузатиб, қўрқмай қолдим ўлимдан.

* * *

Яна кўзларимда кузнинг суврати,
Томоша қиламан кузги боғларни.
Йиллардан беркитиб яшаб юрибман
Дил қатида қолиб кетган доғларни.

Мен ўзиб боряпман фасллардан ҳам,
Улар улгурмайди хайр дейишга.
Бир уҳ тортиб, хазон боғни айланиб,
Бир оҳ, десам, етиб оламан қишга.

Дунёда йўллар кўп, ёруғ йўл битта!
Қидириб юрибман мен ўша йўлни.
Чакка ўтган томдек чўкиб боряпман,
Аранг кўтаряпман ёққан сел, дўлни.

Ҳайронман, оловдек ёнар дарахтлар,
Сахий куз борини тутади менга.
Эски қайғулардан кеча олмайман,
Кетолмайман яна ўзимни енга.

Бир ҳовуч гул тутар кузги гулзорлар,
Йўлимни бураман беҳизор томон.
Фақат хайрлашиб яшаш аламли,
Ажралмоқ оғирдир, айрилиқ ёмон!

Топмоғу йўқотмоқ — ҳаёт сабоғи,
Шу холос — дунёнинг сири, сийрати.
Аччиқ кўз ёш бўлиб қотиб қолади
Яна кўзларимда кузнинг суврати.

* * *

Ёшингни кўзингда ушлайсан маҳкам —
Йиқилса, бу дунё кўтаролмайди.
Усмон Азим

I

Қуш бўлиб осмонга учгим келяпти,
Ўтиниб сўрайман, осмон, йиғлама.
Ўзни унутгудек суйди, суйдирди,
Куйдирди юракни армон, йиғлама.

Дунёнинг ғамлари кичкина ғамдир —
Бир қатра, уммондек дилнинг олдида.
Эски қайғуларни унутган эдим,
Бу куз ҳаммасини ёдга солди-да...

Ўрганиб қолди-да хазонрез боғда
Хаёллар суришга беқарор юрак.
Писанда қилмасдан жудоликларни
Бу куз билан бирга яшашим керак!

Бахт ҳамон яккадир, дард қўша-қўша,
Дунёда меҳрсиз бирор маъни йўқ.
Аслар ўтса ҳам У ўша-ўша,
Дунёда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ.

Ҳеч қайси сеҳргар, ҳеч қайси афсун
Ҳеч нарсани ортга қайтаролмайди.
Ёшимни кўзимда ушласам бўлди,
Тўкилса, бу дунё кўтаролмайди.

II

Ўтиб бораётир йиллар карвони
Бепарво, сен ҳам ҳеч парво қилмайсан.
Ўзга бир оламда яшару кўнглинг,
Кўзларинг дунёга шайдо, билмайсан.

Тозариб боряпти лойқа туйғулар,
Ўйларинг тип-тиниқ мезон сувидек.
Виждон азобидан оғир жазо йўқ,
Дунёда қўрқув йўқ дил қўрқувидек.

Бугун нимагадир ўзинг ўзингмас,
Сени ўзгартириб қўйди бу фасл.
Кўксингни куйдирган юрак иқлими
Кузнинг ҳавосидек салқин, мўътадил.

Дунёда ҳадиксиз яшагинг келар,
Ўхшагинг келяпти беқарор кузга,
Дарахтдек тўкилиб йиғла, йиғлаб ол,
Айланиб қолмасдан юрагинг музга.

* * *

Бу кўнгилга нима керак, билиб бўлмас,
Баъзан унинг гапларига кириб бўлмас.
Сокин кузнинг кўзларига термулганча
Йиғлаш мумкин, йиғлаш мумкин, кулиб бўлмас.

Нафас олмай, ҳадиксираб турар барглар,
Қимирласа... тўкилади... тўкилади...
Япроқларнинг шивир-шивир овозидан
Узун-узун гўзал шеърлар ўқилади.

Шаббодалар шиддатини жиловлолмас,
Билиб-билмай дарахтларни ранжитади.
Ўртоқларин излаб юрган қайсар шамол —
Бебош бола, доим кўча чангитади.

Пахтазорда қолиб кетди сентябрь,
Буғдой экиш октябрнинг зиммасида.
Қиш турткилаб тинч қўймайди ноябрни,
У ўтинар: «Бироз чида, бироз чида...»

Фарзандидан жудо бўлган онаизор —
Ёлғиз дарахт не хаёлда, билиб бўлмас.
Дарахт эмас, одам бўлиб яшаш осон,
Йиғлаш осон, йиғлаш осон, кулиб бўлмас.

* * *

Қандай жим юраман кузги боғларда,
Бу кузга қўшилиб йиғлайман қандай?
Йўлимда учраган тоза дилларга
Юрагимни тўкиб соляпман атай.

Тўкиляпман олтин фаслга ўхшаб,
Тўкиляпти бахтли, бахтсиз кунларим.
Остонамга келиб, эшигим қоқиб
Куз шовқин солади, ярим тун, ярим...

Деразамни аста чертар бир дарахт,
Ўзига ярашмас жулдур кўйлаги.
Жонга тегмадими изму фармоним,
Кел, кузга қўшилиб йиғла, юрагим.

Мен ҳам бахтли бўлай одамга ўхшаб,
Етай табиатни англаш бахтига.
Каловланиб турдим, ўйлаб ўтирдим,
Лекин қойил қолдим кузнинг шаҳдига.

Тарновларни чертиб қўшиқ куйлади,
Югурди шамолни етаклаб олиб.
У тонггача тунни сўроқлаб чиқди
Менинг хаёлларим бир четда қолиб.

Бу куз бунча ишчан, қишлоққа борсам
Ёлғиз ғўзапоя йиғиб юрибди.
Хўрсиниб, томорқа томонга қараб
Ёмғир тинишини кутиб турибди.

Қилиб чала қолган ҳамма ишларни,
Яна кузги буғдой экибди жиндай.
Қандай жим юрайин кузги боғларда,
Бу кузга қўшилиб яшайин қандай?

* * *

Заминдан узоқлаб кетганда қуёш,
Дарахтлар кийганда оловранг кўйлак,
Ёмғирни соғинган майсага ўхшаб,
Сизни зор соғиниб кутди бир юрак.

Тунларни тонгларга улаб ўй сурди,
Кейин йўлга чиқди беқарор хаёл.
Йўл юрди, вақтдан ҳам ўзиб улгурди,
Уни қийнар энди жавобсиз савол.

Фасллар ўзгариб борар оламда,
Дилдаги бу туйғу ўзгармас сира.
Йўлларда ишончи йўқолиб қолди,
Чил-чил бўлиб синди кўзгу — хотира.

Ҳеч кимса сенга не бўлди демади,
Кузги гуллар унга бўлдилар сирдош.
Хаёл уммонига ғарқ бўлганида
Олдиндаги йўлдан излади бардош.

Куйса ҳам куз каби куйгиси келди,
Суйса ҳам куз каби суйгиси келди.
Яшагиси келди озод, беқарор,
Ҳақиқатни дилдан туйгиси келди.

Заминдан узоқлаб кетганди қуёш,
Дарахтлар кийганди оловранг кўйлак,
Ўша оловзорга ўзини отди
Сизни зор соғиниб кутган бир юрак.

ЙЎЛ

Меҳрим бўлакларга бўлиниб кетди,
Тоза тилакларга бўлиниб кетди.
Олдимда КАТТА ЙЎЛ турган бўлса ҳам,
Айро йўлакларга бўлиниб кетди.

Ўзим ҳам шошилиб кетиб боряпман,
Бирма-бир орзумга етиб боряпман,
Асрларни кўрган азим чинордек
Дардимни ичимга ютиб боряпман.

Йўлимда таниш кўп, бир таниш дил йўқ,
Дил дардини ошкор этмоққа тил йўқ.
Ортимга қарасам, ўтган умримда
Ҳатто бахтга тўлиқ бир бутун йил йўқ.

Тақдирнинг ярми боғ, ярми саҳродир,
Менинг хаёлларим шошқин дарёдир.
Меҳр бизлар кўриб турган дунёда,
Муҳаббат аслида бошқа дунёдир.

Чин севги лаҳзалик бахтга ўхшайди,
Топмасдан йўқотиб қўйиш ҳам мумкин.
Ҳақиқат нелигин англаб-англамай,
Бу бахтни ёлғонга йўйиш ҳам мумкин.

Сир тўла сандиқдир дунё дегани,
Ким Зумрад, ким Қиммат, билиб бўлмайди.
Қизиғи, бу дунё — эртакчи момо,
Борса келмас йўлдан юриб бўлмайди.

Ишонамиз унинг чўпчакларига,
Баъзан ёш боладек қувонамиз биз.
Бир ота-онанинг фарзандимизу
Бир уйда яшаб ҳам бегонамиз биз.

2013/58
А 4589
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Бепоён осмонга ўхшар юрагим,
Умрим — йўл, гўёки Маҳшар юрагим.
Қанча яшашимни билмайман, аммо,
Биламан, бир куни тўхтар юрагим.

* * *

Тун чўкди, тиз чўкди куннинг пойига,
Ғам чўкди юракнинг чуқур жойига.
Куйди, куйлашни ҳам унутди кўнгил,
Унут бўлаёзди эски қоида.

Янги фасл келди, янгилиги кўп,
Сездим, яхшиларнинг яхшилиги кўп.
Бутлаб бўлмас экан бир кам дунёни,
Табассум юз бурган кунда йиғи кўп.

Дийдор даво эмиш ошиқ дардига,
Бошидан ўтказган моҳир табибдир.
Интиқликка элтар мудом ишқ йўли,
Садоқату вафо унга ҳабибдир.

Орзу орзиқади олис-олисга,
Дил дўст ахтаради кўнгил ёришга.
Изларинг топмайди нигоҳлар излаб,
Юрак ботинмайди излаб боришга.

Кўзим кўриб кўзга ёш олар осмон,
Соғинчдан боғларнинг ранги заъфарон.
Кўргим келди кўнглим кўшкида сени,
Мен сени чиндан ҳам соғиндим, ишон!

* * *

Шошилганча ишга кетяпман,
Трамвайлар шошиб ўтади.
Хаёл суриб беқарор хаёл
Ойлар, йиллар ошиб ўтади.

Юрагимдан кетмайди бир ҳис,
Орзу қилиб зериккан орзу.
Жондек азиз у қолдирган из,
Жой тополмас бегона туйғу.

Билмам, юрак ненидир истар
Ноябрнинг сўнгги кунидан.
Айрилиқнинг бўрони кучли,
Ҳижрон узун ялдо тунидан.

Тунларимни тонгга уладим,
Шошилганча ишга кетяпман.
Хазон тўла аро йўлларда
Кузни ташлаб, қишга кетяпман.

Интиқликда ичиккан кўзлар
Учратмайди таниш нигоҳни,
Яна соғинч йўқлаб келади
Юракларга кўмилган оҳни.

Тасодифла туташган йўллар
Элтар дилга тушган ҳадикка.
Муҳаббатга қўйиб қабртош
Кўникяпмиз бегоналикка.

Кўзимизга тўлиб келар ёш,
Бероммиз тинч яшолмаймиз.
Тўрт фасл ҳам бир-бир учрашар,
Фақат бизлар учрашолмаймиз.

Йўл

Ўзанига сиғмай оқар вақт,
Умр — дарё, тошиб ўтади.
Биздек тақдир измига тушган
Трамвайлар шошиб ўтади.

* * *

Бу дунёнинг темир қонунлари — қолиплари кўп,
Ҳамма нарсага кўникиш учун
Шаклсиз одамга айланишинг керак.
Яхши фарзанд бўлишинг керак...
Яхши дўст...
Ишхонада энг яхши ходим...
Фақат яхшиликни яхши кўрасан,
Инсон бўлиш керак яшашдан олдин!
Сенинг ҳам ўз қонун-қарорларинг бор,
Сенга бўйсунмайди — Юрак, беқарор!
Кўнгил исён қилар сенга бўйсунмай,
Унга ишонасан, топасан озор.
Кучлигин унутар қаноти йўқ қуш,
Куз келса, баҳорнинг ўрни қолмайди.
Қолган ҳаётингга ҳокимлик қилган
Ақлинг бу гапларни эсга олмайди.
Беқарорлик ичра топасан қарор,
Англайсан: дунёда фақат бир йўл бор —
Яралмишдан қолган чин ҳақиқат шу —
Фақат қишдан кейин келади Баҳор.

* * *

Юрагимнинг бир дарзи бор,
Қирқ чегачи улолмас...
Ойдин Ҳожиева

Қўй, йиғлама, юрагингга раҳм қил,
Бир эслагин... отанг ўлди... чидадинг...
Орзу нима, кулгу нима, унутдинг,
Меҳрибонинг — онанг ўлди... чидадинг!

Ҳижронларга бердинг севган ёрингни,
Дўстми?.. Бир бор уни йўқлаб бордингми?..
Орзуларнинг этагини тутгандинг,
Армонларга эрмак бўлиб қолдингми.

Ишлаяпсан, тиним билмай ишлайсан,
Меҳнат қилиб бир бурда нон тишлайсан.
Бир одамни ҳаммадан азиз билдинг,
Аммо унинг ҳеч ёдига тушмайсан.

Ранжимайсан, койимайсан тақдирни,
Қўйдинг унга юрагингда қабртош.
Муҳаббатга миннат сўзи ярашмас,
Беминнат нур сочади ахир қуёш.

Чидаш мумкин айрилиққа, синовга,
Дарз ёрилган юракни ямаб бўлмас.
Тилсиз яшаш, кўзсиз яшаш мумкину
Бу дунёда кўнгилсиз яшаб бўлмас.

Бахт манзилин кўрмоқ эди мақсадинг,
Йўл ярмига етмай туриб чарчадинг.
Келиб-келиб дил берибсан бедилга,
Дарди йўққа дил достонин айтмадинг.

Сабр сабринг синаб-синаб чарчади,
Ишонавер, тарбиялар сени ғам.
Ўтган гаплар йиғлашингга арзимас,
Кўз ёшингга арзимайди бу одам.

* * *

Юрсам, мен йўлнимас, йўл мени эзар,
Сизни эслатади қадрдон йўллар.
Наҳотки, ярадор юрак билан ҳам
Бир умр хотиржам яшаса бўлар?!

Наҳот шу аҳволда яшайверамиз?
Қувалашиб ўтар файзи йўқ кунлар.
Наҳотки, кўнгилни эзаверади
Бир-бирилан узун уйқусиз тунлар?

Хотиралар қолган дунёлар нотинч,
Соқов бўлиб қолган ҳамма дарахтлар.
Эрта келган кузга ўхшайди соғинч,
Биздан юз ўгирди бир қанча БАХТ...лар...

Биз бахтдан бахтлимиз шу аҳволда ҳам,
Мени эслаяпсиз, юрагим сезар.
Сиз кетгандан буён дунё тескари,
Юрсам, мен йўлнимас, йўл мени эзар.

ТОШКЕНТ!

Тошли йўлларингдан кўп нарса топдим,
Бу бойлик сиғмайди чўнтакларимга.
У фақат энг яхши сарлавҳа бўлар
Юракда ёзилган шоҳ асаримга.

Тошкент!
Тош йўлда йўқотдим ҳаловатимни,
Шеърга алмаштирдим тиловатимни.
Унутма, ҳеч қачон унутганим йўқ
Қишлоқ тупроғига ёзган хатимни.

Тошкент!
Тупроқ йўлда менинг сўзларим қолган,
Шаҳарни кўрмаган кўзларим қолган,
Дилни суғоришга қурби етмаган
Бўзсувга ўхшаган бўзларим қолган.

Тошкент!
Кўнглимга беркитдим ҳасратларимни,
Ҳамма мусофирнинг қалби беморми?
Кўрмадим излаган кўчаларимни,
Орзу сўқмоғининг охири борми?

Тошкент!
Қишлоқни қўмсашнинг ўзи дийдорми?!
Нега индамайсан?

КЕТЯПМАН...

Шаҳарнинг сершовқин кўчаларини,
Ғамгин дарахтларни ташлаб кетяпман.
Кетяпману ҳозир ўзимдан қочиб,
Негадир кўзимни ёшлаб кетяпман.

На бир ёруғ истак, на бир орзу бор
Аро йўлда дайдиб кетишларимда.
Йўл ярмига етиб, ортимга қараб
Кимнидир интизор кутишларимда.

Ана, хазонларга кўмилган йўлак —
Йўл тўла бемақсад юрган одамлар.
Умрим йўлларини ёритган қуёш!
Ва менга бегона қанча оламлар.

Олисда иккимиз севган дарахтлар
Индамай туришар бошини эгиб.
Нега у йўлларга қадам босмайсан,
Ё йўллар кетдими жонингга тегиб?

Қайдадир оғриниб сайрайди какку,
Билмайди умримиз ҳисобини у.
Изимдан эргашиб, этагим тутиб:
«Кетма!..» деб йиғлайди олис бир орзу.

Мен эса кетяпман ўзимдан қочиб,
Негадир кўзимни ёшлаб кетяпман.
Мендан ғамгин, лекин мендан сабрли
Бахтли дарахтларни ташлаб кетяпман.

Олис йўл

Бўзчининг мокисидек чопқиллайди кунларим,
Мен излаган ҳақ манзил бормикин, йўқ? Билмадим.
Бир ўйинга бор-йўғин тиккан қиморбоздекман,
Тасодиф рўй берару чопиб қолар омадим.

Олис йўлга чиққанман, йўл босаман, тиним йўқ,
Йўл юриб чарчамайман, йўл юрмаган куним йўқ.
Йўл азоби қийнайди, чўққи жуда олисда,
Учар гилам олишга ҳамёнимда пулим йўқ.

КЎНГИЛ...

Кутди, кутишлардан безмади кўнгил,
Соғинди, юракни эзмади кўнгил.
Унутиб юборди ҳамма нарсани,
Хаёл юртин бежиз кезмади кўнгил.

Соғинмоқ аслида севмоқлик экан
Ўзидан ўзгани жонидан ортиқ,
Куймоқ — завқ, куюнмоқ — бефойда, ахир
Бу бахт яратгандан берилган тортиқ.

Синов деди, бу ҳам бир синов экан,
Бир дарддан дунёга сиғмади кўнгил.
Дўстидан хиёнат кўрган онда ҳам
Бировга билдирмай йиғлади кўнгил.

Асл дўст — бир парча этни болам деб
Тунларини бедор ўтказган она,
Асл дўст — оилам бор бахтим деган
Отадир ғамларга боққан мардона!

Шуларни тушуниб, ўйлади кўнгил
Одамлар аслида синовдош ўртоқ,
Дунёни яхшилик қутқарар экан,
Душман бўлганга ҳам мумкин дўст бўлмоқ.

Умр — йўл. Йўл юриб безмади кўнгил,
Тикон эзди, гулни эзмади кўнгил.
Унута олмади ҳеч бир нарсани,
Бу йўлларни бежиз кезмади кўнгил.

Сахролардан ўтди, ўтди қумлоқдан,
Кеза-кеза бир ЙЎЛ топди сўқмоқдан.
Йиғламоқдан ҳаёт ҳикматин уқди,
Бир мазмун топмади хушнуд кулмоқдан.

Йўл

Яшамоқ аслида тушунмоқ экан
Бу ҳаёт жумбоғин бори сирини,
Ўзини тушуниб олмаган инсон
Қандайин англарди эл тақдирини.

Яшамоқ аслида дунёни англаш,
Етиб бормоқ ҳатто бир камига ҳам.
Умрнинг нелигин сезмасдан кетар
Синовнинг барини кўрмаган одам.

Шуларни сезди-ю, мум ютди кўнгил,
Унутди, ўзини унутди кўнгил.
Тақдирга тан берган онда ёшариб,
Ҳорғин нафас олди, тин олди енгил...

ОНА ТУПРОҚ

I

Сочимга сел бўлиб сочилган сўроқ
Мудраган руҳимни этади уйғоқ,
Қанотим йўқ, дилинг эзиб юриб ҳам
Юзингга юзимни босаман кўпроқ.
Дунё бу — асли дард тугилган тугун,
Денгизлар юзини босяпти қумлоқ.
Сенга сирларимни очяпман бугун
Эй, она тупроқ, эй, она тупроқ...

II

Бағрингга не-не зотларни олдинг,
Сукунат ичида хаёл суришга
Ўрганиб қолдинг, ўрганиб қолдинг...
Осмондан пастроқда бўлди-ю пайдо
Қучоғингдан қўним топди шоҳ, гадо.
Айланиб ўтдилар неча юз йиллар,
Не алплар жисмини айладинг адо.
О, бунча хокисорсан, эгилиб ўтдинг,
Кимларнинг пойига чечаклар тутдинг?
Дарди дилга сиғмас қизғалдоқ бўлиб
Номард оёғида эзилиб ўтдинг.

III

Асл бойлик нелигин билмаган каслар,
Ўзлари тўйсаям кўзи тўймаслар,
Доим бағри кенг Ер ҳаммага тенг,
Қушлар ҳам онасин кўзин ўймаслар.
Тақдир — бошгинангга тушган савдолар,
Энди алдовларга айтма арзингни.
Атрофингда кўклаб ўсар хатолар,
Сен қачон узасан ундан қарзингни?!
Унутма, барин Ер кўриб турибди,
У ягона, ўхшар виждон, иймонга.

Чиндан ҳақли бўлиб тупроқни ўпмоқ
Насиб қилавермас ҳамма инсонга.

IV

Сочимга сел бўлиб сочилган сўроқ
Мудраган руҳимни этдими уйғоқ,
Бугун шундан бошқа малҳам тополмай
Юзингга юзимни босяпман кўпроқ.
Ҳақиқат изласам, ўкинар олам,
Ўзинг киндик қоним тўкилган замин.
Кун келиб, ўлсам ҳам, Она Ер — ОНАМ,
Қучоғингдан қўним топайин... омин!

ОНА

Асрлар қаъридан келар бир садо:
«Онани мадҳ этмоқ бўлсанг мабодо,
Ўзгадан сўрама ҳеч қачон нажот,
Сенга илҳом берар она деган зот...»

Онам дер: «Онани яратмасин-да...»
Мен ҳайрон сўрайман бу гап сирини.
Энди англаяпман, энди сезяпман,
Оналар яратар эл тақдирини.

Оналар бор экан, ҳаёт гўзалдир,
Оналар бор экан, меҳр ҳам тирик.
Сўзласам, тоғлардан келар акс-садо:
«Онадек азиз йўқ, онадек буюк!»

Гўдак табассуми, она алласи...
Қанчалар гўзал бу таниш манзара.
Эшикдан қарасанг, ташвишга тўла,
Бешикдан қарасанг, дунё бокира.

Энг тотли қўшиқдир она алласи,
Она меҳри билан яшнайди жаҳон.
Дунёдан бахт топмас, ҳаловат топмас
Она қадрин билмай ҳеч қайси инсон.

ОНАЖОН...

Сочингиздан узун экан тилагим,
Чигилин ёзмасам, ёнар юрагим.
Узоқларга кетсам, сизни қўмсайди
Кўзмунчоғига кўз теккан билагим.

Фариштасиз, қадр топмас фаришта,
Унум бор қўлингиз теккан ҳар ишда.
Оёғингиз ўпар, ҳеч армони йўқ,
Сув сепилган ҳовли доим саришта.

Онажон, бормикин сиздек меҳрибон,
Дунёни айлансам тополаманми?
Ёмонлар юзини кўрмагин, дейсиз,
Тинчгина кўзимни ёполаманми?!

Сизни кўрмасам ҳам кўриб юрибман
Тириклар терисин титган зоғларни,
Тўккан ёшингизга арзимайдиган
Иймони бетобу нафси соғларни.

Асранди қиз бўлдим битта шеър учун
Ширин уйқунгизни ўчирган тунга.
Ҳавасим келади меҳрингиз ичиб,
Кафтингизда нонга айланган унга.

Ёндимку чўғ бўлиб турган юракни
Кулга айлантирган тандир мисоли,
Кунингизга ярар ўтин бўлса-да,
Мендан ҳам бахтлироқ анжиршафтоли.

* * *

Эркалагим келиб бошин силасам,
Бегонасирайди сигиру бузоқ.
Мени тушунишни истамас ҳеч ким,
Ўжар·умидимнинг манзили узоқ.

Қайтадан қартайди қариган тутлар,
«Ишларим кўп» дея кетишим айтсам.
Шаҳар ҳавосига кўниколмайман,
Дардим янгиланар қишлоққа қайтсам.

Баъзан сиғмай қолсам икки дунёга,
Аросат ичида тўлғонар жоним.
Бундай кунга ҳавас қилмагандим ҳеч,
Ўзинг яхши эдинг, ғамим, армоним.

(Ўқиб идрок эта олармикансан?)

Сенга мактуб йўллар бу тошли йўллар,
Тупроқда қолган из — илтижоларим.
Кўзларингни излаб топмади кўзим...
Ўртанавераман йўлаган сарим.

Юзини булутлар билан беркитиб,
Менга «йиғлама» деб йиғлайди осмон.
Уйда қолдирибман ёмғирпўшимни,
Кўнгилнинг кирлари ювилар осон.

Ҳисларимни қайси дорга осаман?!
Офтоб кўз ёшимни қуритолмайди.
Тилак қанча юксак бўлгани билан
Юракдан айри иш юритолмайди.

ИЛҲОМ ПАРИСИ

Бахтли кунларимда сени топмайман,
Ғамгин дамларимда йўқлаб келасан.
Онам ҳам, дўстим ҳам билмаган сирни
Сен қайдан биласан? Қайдан биласан?!

Йиғлаб, астагина кўнглимга кириб,
Лабларимдан кулгу бўлиб учасан.
Табассум қилмасам сенга қўшилиб,
Еттинчи фалакдан қайтиб тушасан.

Сен қандай сеҳрсан, қандай мўъжиза,
Бир зумда ҳаммани ташлаб кетаман.
Шиддатли умримни бир четга суриб,
Ўзимдан воз кечиб, сенга етаман.

Мен ҳатто ўзимни алдаб яшайман
Сени Худо берган халоскорим деб.
Одамларнинг меҳри миннатли кунда
Менинг ҳаётимга бераяпсан зеб.

Ўзим ҳам ўзимни севмайман шунча,
Куюнсам бунчалар хуноб бўласан?
Энг яқин одамим билмаган сирни
Сен қайдан биласан? Қайдан биласан?!

* * *

Биз қушларнинг қўшиғини эшитмаймиз,
Яшаш қийин, ташвишимиз турнақатор.
Роҳат қилиб ухлашни-ку, рад этмаймиз,
Уйимиз бор, бошимизга ёғмайди қор.

Энди биздан дон сўрамас мусичалар,
Ола қарға ҳайдаманг, деб шафқат сўрар.
Пешайвонни ташлаб кетган қалдирғочлар
Кўклам келса, соғинишни ўйлаб кўрар.

Биз қушларнинг қўшиғини тушунмаймиз,
Катта гапку, улар бизни тушунолса.
Фақатгина тўтиқушни эркалаймиз,
Ахир бахтдир сўзимизни эслаб қолса.

Аммо биздан сўз сўрамас тўтиқушлар,
Айтаверар қулоғига кирганини.
Ҳатто читтак кўкни тутиб қоламан, дер,
Кўрганмисиз булбулнинг оҳ урганини?

Биз қушларнинг қўшиғини кўролмаймиз,
Товушларни кўрадиган кўзимиз йўқ.
Ё майналар бизни писанд қилмай қўйган,
Ё уларга айтадиган сўзимиз йўқ.

Бойўғлилар тунги овни пойлаб турар,
Беданалар бедазорда чўчиб юрар.
Қирғинлардан омон қолган қирғовуллар
Одамларга инсоф сўраб хаёл сурар.

Нега ахир ўзимизни ранжитмаймиз,
Ҳатто қўшиқ куйлашни ҳам рад этмаймиз?
Одам бўлиб яшаш шунча нозик ишми,
Биз қушларнинг қўшиғини эшитмаймиз.

* * *

Қайта гулламоқда ҳаёт дарахти,
Ҳадемай ёзади ям-яшил япроқ.
Тўйиб нафас олиш... о, кимнинг бахти,
У мени ўйлайди ўзимдан кўпроқ.

Миллатнинг илдизи тупроқ бағрида
Минг йил чиримасдан туриши мумкин.
Бехосдан айтилган янглиш бир сўз ҳам
Дўстликнинг умрига ясайди якун.

Бизнинг қўлимизда яшаш ҳуқуқи,
Йўқдир тақиқланган имкониятлар.
Покиза дилларга ўғри тушдими,
Камайиб кетмоқда тоза ниятлар.

Ким елиб-югурар нафс қайғусида,
Кимнингдир зари бор, кимнингдир зўри.
Агар меҳр билан нигоҳ ташласак,
Қуёшдан иссиқроқ юракнинг қўри.

Бизга нима керак меҳрдан бошқа,
Оқибатдан яхши бойлик бормикин?
Қўйинг, бошингизни деворга урманг,
Йиғлаган одамга толе ёрмикин?

Умр ҳеч кимсага қайта берилмас,
Ҳайратланманг оддий ҳақиқат билан.
Бир кунда минг марта бахтли бўласиз
Дўстлаша олсангиз табиат билан.

АФСУС...

Мен кўчага чиқдим,
Куз келаяпти,
Кўчани тўлдириб
Келаётир куз.
Шамол!
Шамол!
Суюн!
Суюнганингдан
Япроқларни узгин,
Япроқларни уз...
Узавер...
Мен уйга кириб кетаман.
Сен эса...
Ҳеч кимни кўрмайсан, афсус...
Билмайсан,
ранжиган бу одатингдан
Кўчани тўлдириб
кетаётган куз.

КАЙФИЯТ

Усмон Азим. Куз. Менинг кўнглим...
Юрагимнинг очиқ дарчаси.
Кўзларимга мўлтираб боқар
Янги ойнинг синиқ парчаси.

Осмон тўла қоп-қора булут,
Ерда эса хазонрез фасл...
Бир келиб кет харобазорга,
Қулаб тушди сен қурган қаср.

Биз адашдик туман йўлларда,
Изларимни тополмаяпсан.
Нега бугун ёнимда йўқсан?
Нега ёлғиз мен йиғлаяпман?!

Қайда қолди биз севган кунлар,
Бизни севган чиройли ҳаёт!
Балки бахтдир соғиниб яшаш,
Топиб олдим шундай бир нажот.

Куз ёмғири бунчалар эзгин,
Уст-бошимни қилди шалаббо.
Менга яна озроқ сабр бер
Янги фасл келгунча, Худо!

* * *

Энг ёруғ, энг нурли гўшалар
Кўнглингга, умрингга берар зеб,
Бошқалар ўйлайди: бахт берар
Волиданг сенга деб йиққан сеп.

Сен эса... жимгина ўйлайсан,
Чувалашиб кетар хаёлинг.
Овозингдан чўчиб кетасан:
«Етар, ҳаётимдан... йўқолинг!»

БАХТ(СИЗ)ЛИ ҚИЗ
Н.га

Осмоннинг кўз ёши тинганича йўқ,
Дарахтлар кўз ёши қилиб толмади.
Фақат йиғлашни ор билди бир юрак,
Бир юрак дардини айта олмади.

Бу юрак иболи қизнинг юраги,
Бор эди унинг ҳам мингта тилаги.
Бугун йиғлашга ҳам мадори йўқдир,
Кимга кераги бор, кимга кераги?..

Бугун бир қишлоқда тўй бўлаяпти,
Ҳали тингани йўқ сурнай навоси.
Бу танноз тақдирнинг нағмаси нима,
Нима, бу дунёнинг обу ҳавоси.

Йўқ, энди куймоқнинг фойдаси йўқдир,
Куйгунча суймоқнинг фойдаси йўқдир.
Бахт нелигин бахти кулганлар билар,
Айрилиқ — юракка санчилган ўқдир.

У ҳам одам эди... суйди... суйди-ю, куйди,
Ишқдан устун келди ота ризоси.
Ишонади бир кун бахт кулиб боқар,
Уни бахтли қилар она дуоси.

* * *

Вақт ўтар дарёдек шовуллаб,
Умрнинг ҳар куни бир сирдир.
Ҳаётнинг нелигин англамоқ,
Тушунмоқ шунчалар мушкулдир.

Кўникдик тақдирнинг измига,
Бахт учун исён ҳам қилмадик.
Аслида БАХТ ўзи нелигин
Билмадик, билмадик, билмадик.

Бошланар тўй деган тантана,
Ёдимга тушарсан сен яна.
Дунёда ёлғиз сен биласан
Менга бу бахт қасри бегона.

Дунё — ЙЎЛ, ЙЎЛ тўла одамлар,
Кетаман уларга қўшилиб.
Бечора муҳаббат йиғлайди
Юраги эзилиб... эзилиб...

Бу қандай бахт, қандай бахтсизлик,
Соғинсам, йўқлашга вақтим йўқ.
Сен фақат мени деб йиғлайсан,
Сени деб йиғлашга ҳаққим йўқ.

БЕВА АЁЛ

Тинчгина яшашга изн бермайди,
Бахтдан маст дунёнинг ақлдори кўп.
Қаранг-эй, улар ўз ташвиши қолиб
Бир-бирин кўзига суқиб юрар чўп.

«Пулми, пул жонингни олгурлар...» дейди,
Кўчада зорланар бир бева аёл.
Ҳозир уйда қолган боласидамас,
Посбон тортиб кетган юкида хаёл.

Қай йўлларга бошлар бу кўҳна бозор,
Бирон меҳрибон йўқ, ҳамма дилозор.
Барчадан ҳам сахий, бунча бағри кенг
Йўлнинг охирига қурилган мозор.

Дунёни бевафо дейишар эди,
Сен ҳам топмадингми вафодорини?
Аслида ёлғончи жафокаши ҳам,
Ёлғиз жонга жабр, оҳ, озорини...

Етти ёт бегона дилдошинг бўлар,
Туғишганинг кўнгил очмас баъзида.
Шу даврадан ўзинг олиб қочдингу
Мағрур бўлдинг яна улар наздида.

Бир лаҳза хотиржам юргинг келганди,
Бемаза гап-сўзлар ёнидан узоқ.
Шунданми, жимгина тургинг келганди,
Сўзлаб ўз ёрингга қўйибсан тузоқ.

Пушаймони ёмон хатоларидан,
Нега яқинларинг қатори ола?!
Оқибат қўшилди ғавғоларидан
Қоп-қора сочингга битта оқ тола.

БЕМОР

Неча кунлик умринг қолди, билмайсан,
Кўз тикиб қолгансан олис бўшлиққа.
Сезяпсан, энди ҳеч ишинг тушмайди
Ишхонангда қолган инжиқ бошлиққа.

Жон ширин, ҳаётни яхши кўрасан,
Соғиниб кетяпсан болалигингни.
Ташлаб кетгинг келмас, кўзинг қиймайди
Дўстингдан ҳам содиқ чиққан итингни.

Кроват ғичирлаб ғашингга тегар,
Ташвишга солмайди дунёнинг ғами.
Хотиржам дам олсанг бўлар эканку,
Энди сен дунёнинг бошқа одами.

* * *

Ошқозони ҳуштак чалади,
Уф тортади бечора одам.
Тўй қиляпти битта қўшниси,
Бирисининг уйида мотам.

Қувончи-ю қайғуси йўқ уй
Елкасини эзиб боряпти.
Ўттиз ёшга кирмасидан у
Ҳаётидан безиб боряпти.

Буни қаранг, шу дам негадир
Бирор маслаҳатгўй топилмас,
Бир қарорга келиб бўлган у:
«Тани бошқа дардимни билмас...»

Гўё уни ҳеч ким тушунмас,
Яшай деса, топилмас имкон.
Бахтсиз бўлса, бахтли бўлса ҳам
Ёлғизликдан зерикар инсон.

Тан олмайди шу ҳақиқатни,
У унутган тоза ниятни.
Ҳаётда бир қоқилиб туриб,
Койир бутун инсониятни.

У билмайди, уни ҳам ҳозир
Кимдир интиқ бўлиб кутяпти.
Бундан оғир, азобли туйғу
Юрагини ишғол этяпти.

Ахир, ойнинг ўн беши ёруғ,
Тун ўрнини бўшатар кунга.
Ҳар банда ризқ билан яралган,
Шундай дегим келади унга.

Йўл кутяпти бир париваш қиз,
Нега йўлдан қайтди юрагинг.
Қорин ғами бўлмаганида
Сен ҳаммадан бахтли бўлардинг.

* * *

Яқинда бир танишим оғир кунда энг яқин дўсти ҳам юз ўгириб кетганини айтиб қолди. Унга таскин бермоқчи бўлиб нималардир дедим. Дили оғриган бу одамнинг кўзларига қараб яраланган кўнгилга яхши сўздан бошқа малҳам топа олмаслигимни тушундим.

Сен беш кунлик меҳмонсан бу дунёда,
Бегонасан, бир дилдош топилмайди.
Кўнгил очиб, дардингни айтай десанг,
Садоқатли бир сирдош топилмайди.

Бу дунёнинг ишлари ҳам ғалати,
Айтолмайсан, айтсанг дилинг ёнади.
Ёмон кунда ёлғон дўстлар, ёмонлар
Кеча айтган сўзларидан тонади.

Иложинг йўқ яшай десанг одамдай,
Чидолмайсан, юрак-бағринг куяди.
Агар ҳаёт бир кун жилмайиб қўйса,
Сени кўрса, ўн кун қовоқ уяди.

Дўст деб юрган яқинларинг, дўстларинг
Вақти келса, кунингга ярамайди,
Халқ айтгандек, олдингдан оққан сув ҳам
Бегонадан қадрини сўрамайди.

Умр шундай нотинч оқар дарёдир,
Сен йўлдасан, йўлнинг ярми саҳродир.
Бу йўлларда ёлғизман, деб куюнма,
Ёлғиз бўлсанг, ёлғизга ёр Худодир.

ИШОНЧ

Ойни соғинади юлдузлар,
Қоп-қора тўн кийиб олган тун.
Мудроқ кўзлар уйқуга кетган
Ором олиш, дам олиш учун.

Кўзларига келмайди уйқу,
Дуо айтар бир бедор юрак:
«Болам ҳали нима кўрибди,
Болам ҳали яшаши керак...»

У жим дуо айтар, жимгина
Дардларини тинглайди Худо.
Ижобатмиш тоза кўнгилдан
Ҳатто тилга кўчмаган дуо.

Шу гапларга ишонар она,
Кўзларида дарё оқади.
Боласининг кўзлари яна
Қуёш каби кулиб боқади.

Қоронғудир ўн беши ойнинг,
У ғамларга боқар мардона.
Узун тунни кузатиб қўйиб,
Тонгни бедор қаршилар она.

АЁЛ ҲАСРАТИ

Ўз жонига қасд қилган, бефарзанд, телбанамо аёлни даврадаги ҳеч ким оқламасди. Орадан кўп вақт ўтмай уни руҳий касалликлар шифохонасига жўнатишди. «Боши очиқ йигит»ни бошқага уйлантиришди. Ўша кеча аёл касалхона деворига мана шу сўзларни ёзиб қўйди.

Тўй ўтди.
Ҳаммасига кўникдим...
Ҳамма...
Ҳатто хола,
Ҳаттоки амма,
Туғишганлар...
Хурсанд бўлишди.
Бахтли эдим гўё,
Гўзал эди дунё.
Аҳволимни кўриб, кулардим,
Мени ҳафа қилмасди ҳеч ким.
У... бошқани дерди, билардим...
Бу бегона дунёдан кечдим.
«Сен нотўғри қиляпсан!» деди
Ҳамма...
Ҳамма...
Ҳамма...
Ҳаммаси...
Унинг хола, тоға, аммаси...
Мени тинглаш, мени тушуниш
Мумкин эмас эди, чамаси.
Кимдир тутиб қолди қўлимдан,
Туйғуларим тарсаки еди.
Бу аҳволда яшаш ўлимдан
Оғирлигин билсангиз эди...
Билмайсиз...
Тўй ўтди.

ҚИШЛОҚ...

Осмоним тўла юлдуз,
Юлдуз бўлмоқ не керак.
Болалигим боғида
Қўшиқ куйлайди юрак.

Сокин туннинг бағрида
Ухлаб ётар дарахтлар.
Қиш. Январнинг бошлари.
Дил бедор бўлган пайтлар...

Қир-адирлар устига
Қалин қор кўрпа ёпган.
Фақат хаёл безовта,
Болалик томон чопган.

Болалигим боғида
Ҳамма нарса чиройли.
Қуёш ҳамроҳим эди,
Сирдошим дердим ойни.

Энди болалик қани,
Энди у пайтлар унут.
Ортиқ бир сўз демайди,
Юрагим сақлар сукут.

Ногоҳ бир-бир эслайман
Ҳамма йўқотишларни.
Кўрдим қанча баҳорни,
Кўрдим қанча қишларни.

Олдимда узун йўл бор,
Ортга юрмоққа йўл йўқ!
Умрим — нишони томон
Учиб бораётган ўқ.

Йўл

Бу ёлғончи дунёда
Яшаяпман ёлғонсиз.
Балки, шунинг учун ҳам
Оҳ, мен бунча имконсиз!

Хаёл хотираларни
Бир-бир ёдга солмоқда.
Ён-атроф жуда сокин,
Ҳамма ором олмоқда.

Менинг сирдошим қани,
Қидириб келдим ойни.
Қишлоқ, ойсиз тунинг ҳам
Оҳ, бунчалар чиройли!

Кимни мафтун этмайди
Бу манзара, бу чирой.
Осмон юлдузга тўла,
Кўкда кўринмайди ой.

Мен ушлаб қололмайман
Бу бетакрор лаҳзани,
Қишлоқ кўрар тараддуд
Тонг билан учрашгани.

ТУТҚУН ҚУШ

Хиёбонда кезар бир телба,
Хаёлидан кетмас тутқун қуш.
Уни озод қилгиси келар,
Йўқдай бундан муҳимроқ бир иш.

Қушча эса, кўзи интизор,
Умид билан боқади унга.
Ишонади, шу одам уни
Етказади бир ёруғ кунга.

Телба бир кун қуш эгасига
Не гап айтсанг, кўнаман, дейди.
Агар қушни қўйиб юборсанг,
Масхарабоз бўламан, дейди.

Соҳиб уни туртиб ўтади,
Шундай дейди бир кун виждонсиз:
«На пулинг бор, на ақлу ҳушинг,
Сен қушдан ҳам баттар имконсиз!»

Қушча эса, телба ҳолига
Ачинмайди, қилади ҳавас.
Неча йилки, оломон ичра
Ҳеч ким уни тушунган эмас!

Кўрди қанча томошаларни,
Томошага ўч бу одамлар.
Тор қафасдан қочгиси келар,
Токи, адо қилмасдан ғамлар.

Тутқунликда яшаганларга
Дунё қамоқхонага ўхшар.
Соҳибига маҳзун боқади:
«Бу ўйинлар айт, қачон тўхтар!»

Йўл

Нажот тилаб қарар тўрт ёнга,
У имконсиз, тутқун бир қушча.
Озод, масрур ўтган ҳаёти
Унут бўла бошлаган туш-да...

Бундан қандай қутулиш мумкин,
Кеча-кундуз хаёл суради...
Шунданми, у томошага ўч
Одамларни ёмон кўради.

Ҳо-ю ҳавас бандаларига
«Қуш тили»да сўзлайди достон,
Қучоғини кенг очганича
Бир кун қарши олармикан осмон?

Халоскори томошагоҳга
Келар ҳар кун, кетади ҳар кун...
Ва ҳар куни имкон излайди
Қушга ёрдам бермоқлик учун.

Умид билан боқади қушча,
Қанотлари учмоқликка шай.
У пайт пойлаб, ёнига келиб,
Қафас қулфин бузади атай.

Эгасини доғда қолдириб,
Учиб кетар қуш бир нафасда.
Халоскори унга ҳавасла
Термулганча, қолади пастда.

Ҳар ким орзу билан яшайди,
Тан бергиси келмас тақдирга.
Телба орзу қилар, орзуси —
Учиб кетиш қуш билан бирга!

ЁМҒИР ЁҒАР...

Ёмғир ёғар, қалбимда
Ёмғирлар тинмас сира.
Руҳимни тинч қўймайди,
Тинч қўймайди хотира.

Яратгандан элчидир
Аслида бу ёмғирлар.
Ёмғирда қалб покланар,
Ювилиб кетар кирлар.

Қанийди, бу ёмғирлар
Қалбларга етиб борса.
Қулфланган дилларни
Меҳри билан суғорса.

Ёмғир ёғар, шивирлаб
Нимадир дер томчилар.
Гўё туйғулар қалбда
Бир маромда най чалар.

Мен бу ҳислар ёмғирин
Тинишин истамайман,
Тақдир ҳукмига қалбим
Кўнишин истамайман.

Дардлар ювилиб кетсин,
Ғамлар қувилиб битсин.
Токи, тозариб қалбим,
Оҳим Худога етсин.

Тангрим, Ўзинг гувоҳсан
Ҳеч ким билмас дардимга.
Бир нафас олмайин тин
Ёмғир ёғдир қалбимга.

* * *

Мен сени кўп изладим,
Дунёни кездим сарсон.
Сарсон кезиб ишқингда
Бўлдими қадрим арзон.

Қоронғу кечаларда
Ой ҳам кулиб боқмайди,
Биламан, бу гапларим
Сенга сира ёқмайди.

Ўзим сени этиб рад
Кечир, яна соғинсам.
Осмоним офтобсиздир
Армонингдан айрилсам.

Соғинчлар ўзимники,
Аразлар ўзимники.
Ширин дийдоринг бўлсин
Ёшланган кўзимники.

Мен сени кўп изладим,
Майлими, ростин айтсам.
Қалбим ҳувиллаб қолар
Энди сени йўқотсам.

ОҚҚУШ ЭДИМ...

Оққуш эдим, осмонимдан
айирдилар,
Тушунмаслар қанотимни
қайирдилар.

Яшаб туриб, яшамаслик
ёмон экан,
Мен улардан, улар мендан
айрилдилар.

Умрим дарё, оқар сувга
термуламан,
Ҳижрон дарди нелигини
мен биламан.

Қаддин баланд тутиб,
қадди ғозлар ўтар,
Кузу қишлар ўтар,
баҳор, ёзлар ўтар.

Айрилиқнинг туманлари
тарқалади,
Бахт ҳам ўтар, аразлару
нозлар ўтар.

Гоҳо шодман, гоҳо дардга
енгиламан,
Қуш қафасда қандай яшар,
мен биламан.

Орзуларим осмон эди,
шодон эдим,
Дунё ғамгин, мен ҳаёти
хандон эдим.

Йўл

Шунча яшаб, кўзларим ёш
тўкмаганди,
Ҳар кун нурли манзилларга
Меҳмон эдим.

Халоскорим кутиб йўлга
термуламан,
Кутиш дарди нелигини
мен биламан.

Болалигин соғинмаган
одам борми,
Болаликдек гўзал, беғам
олам борми,

Хаёлларим хавотирда,
хотирладим,
Кўп изладим, дардларимга
малҳам борми?!

Тақдирим шул экан,
исён қилолмайман,
Ҳаётимнинг давоми не,
билолмайман.

Эртага не бўлишини
билмайману
Бу дардларга қандай тоқат
қиламан мен.

Минг шукрки,
Яратганга, яшатганга,
Яшаш бахти нелигини
биламан мен.

* * *

Бу одам қалбини кўтариб келди,
Юрагини олиб келди ёнимга.
Қандай қилиб бегам яшайман энди,
Шу бугун ўт тушди хонумонимга.

Негадир бир зумда унутиб қўйдим
Ташқарида изғиб юрган кузни ҳам,
Биласизми, жуда бахтлисиз, деди
Кўзлари жовдираб мана шу одам.

Бир туйғу қалбимни ларзага солди,
Унинг юрагига меҳримни солдим.
Бахт менга айланиб қолди шу лаҳза,
Шу лаҳза мен бахтга айланиб қолдим.

ЯХШИ ОДАМ

Хайрлашмай кетди ота-онаси,
Сўнг эса, айрилди яқинларидан.
Ёридан айрилди, тақдир — бешафқат,
Дўстсиз қолди, унга дўст бўлди Ватан.

Шу дамда ҳар қанча мағрур бўлса ҳам
Йиғлагиси келди юраги тўлиб.
Кунига яради яхши одамлар,
Эл бошин силади отаси бўлиб.

Синовлардан сабоқ олиб яшади,
У фақат олдинга ташлади қадам.
Куч топди табиат онаси бўлиб
Дилдаги дардига қўйганда малҳам.

У йўл топиб борди ота изидан —
Баланд тоғ бағрида яратди бир боғ.
Чин инсоннинг қадру қимматин кўриб,
Ҳатто баландлигин унутди у тоғ.

Дарахтлар шовуллар бу боққа кирсанг,
Бу боққа туташган умр йўллари.
Булоқ ҳам кўз очмас тошлар бағрида
Мўъжиза яратди унинг қўллари.

Дунё ташвишидан нолимоқ қайда,
Вақт топиб ортига қарагани йўқ.
Номардларга бошин хам қилмади у,
Ҳеч кимсадан ёрдам сўрагани йўқ.

У кўрган кунидан нолимасди ҳеч,
Бахтлику, бахтидан ғами зиёда.
Бори яхшиларнинг яхшиси бўлиб
Шундай одам яшаб ўтди дунёда.

УМР

Умр — йўл, узун йўл, охири бор йўл,
Зерикиш ҳам мумкин бу йўлда юриб.
Сени қаторига қўшар оломон,
Ёлғиз қололмайсан хаёллар суриб.

Қарайсан, тор кўча тўла томоша,
Нелар мангу қолди асрлар оша.
Онанг ёзғиради, кимга ўхшадинг,
Қайси одатлардан олдинг андоза.

Сочингни йиққандек йиғиб оласан
Охири кўринмас хаёлларингни,
Хотиранг сандиғи ичига яшир
Ҳеч кимга бермаган саволларингни.

Ҳеч кимга ўхшамас, сирли одамсан,
Нимани ўйлайсан, англамоқ қийин.
Сен ҳозир ҳаммадан бахтли одамсан,
Бахтлисан, юракка қайтганинг сайин.

Умр — йўл, йўллиги билинмас йўлдир,
Қақраган чўллиги билинмас йўлдир.
Юрагига яқин борган одамга
Ишқ каби охири кўринмас йўлдир.

Борлик йўқлик орасида



— Нима бўлди? Кимдан ҳафасиз?..
— Ҳафа қилди аросат дунё.
— Тушларимга кириб турасиз...
— Шу бахтни ҳам кўп кўрма, Худо!
Жимлик...
Юз йиллардан оғир бу жимлик...
Тақдир бизга қулоқ солмади.
Кўнгилда соғинчдан, ҳижрондан бошқа
Ҳеч нарса қолмади, қолмади.

* * *

Сизга ярашади қуёшли кунлар,
Биз томонда ёмғир... йиғлоқи кўнгил.
Сиз томонда ойдин... юлдузли тунлар...
Ва шунга яраша ҳаво ҳам енгил.

Дарди кўп одамлар яхши кўради
Ёмғирли ҳавода сайр қилишни,
Мен бўлсам, шу дамда яхши кўраман
Фақат хаёлларни таҳлил қилишни.

Унутиб юборар бутун дунёни
Юракка яқинроқ келганда одам,
Кимни қувонтирар бахтли кунлари,
Кимни йиғлатади хотиралар ҳам.

Бугун юрагимга яқинроқ келдим,
Гапирсам, гапим кўп, қай бирин айтай.
Кўнгилда ҳаловат бор экан, билдим,
Юракка янада яқинроқ қайтай!

Айландим, айланиб кўнгил юртини
Бир кун сизни ўйчан учратиб қолдим,
Ўша лаҳза... ё раб, қандай куч билан
Ўтаётган вақтни тўхтата олдим!

Сизга ярашади қуёшли кунлар,
Қуёшдек меҳрла жилмайиб боқиш.
Айтинг, малол келиб қолмасми бир кун
Кулга айланган бу юракни ёқиш?!

Ўзлигин топгандай қувониб кетар
Дилга яқин дўстни топганда одам,
Санчиб оғрир эди минг бир озордан,
Сўзингиз юракка қўйяпти малҳам.

Мен эса... турибман бир сўз демасдан,
Йўқотган бахтимни топиб олгандек.
Мен учун, мен учун, фақат мен учун
Худойим мен учун БАХТ юборгандек!

Барибир мендай бир сирдош топмайсиз,
Истанг, кезиб чиқинг ёруғ оламни.
Айтинг, қандай хурсанд қила олардим
Мен Сизга ўхшаган бахтли одамни.

ВАҚТИДА БИЛМАЙМАН ВАҚТНИНГ ҚАДРИНИ...

Деярли ҳар куни шундай яшайман,
Умрим судраб кетар оёқларимни.
Йўлнинг охирига етиб бормасдан
Йўқотиб қўяман топганларимни.

Сиз ҳеч қачон мендан умидвор бўлманг,
Эртага не бўлар, Худо билади.
Юзлари салқиган юрагингизни
Мендан бошқа ҳамма хурсанд қилади.

Буйруқ беролмайман кўзларимга ҳеч,
Мусаффо осмонни севади улар.
Унутиб юборинг эски гапларни,
Томоша кўрсатди телба туйғулар.

Биламан, биласиз фақат сизни деб
Умрим фасллардан гина қилади.
Сочларимни ўпиб қўйса оппоқ қор
Нима дейишимни Худо билади.

Бизнинг сиримизни билади Худо,
Суйганига берар ахир сабрини.
Қайга боришимни билмайман, ҳатто
Вақтида билмайман вақтнинг қадрини.

* * *

Дилда ғам йўқ, фақат армон бор,
Соғинч ҳам йўқ, фақат ҳижрон бор.
Ёлғиз умид яшар дилимда,
Дардим тинглар битта инсон бор.

Фақат у йўқ ҳозир ёнимда,
Фақат унинг ёди бор дилда.
Олиб борар йўлларни топмас
Бошқа ҳеч ким ўжар кўнгилга.

Дил йўқламас ўзгаларни ҳеч,
Бегонадир унга ўзгалар.
У беқарор, унинг иқлими
Бир кунда минг бора ўзгарар.

У ягона, фақат у якка,
Ёлғиз ўша энг яқин таниш.
Бугун армон тўла юракка
Ёлғиз ўша одам нотаниш.

БОРЛИК ЙЎҚЛИК ОРАСИДА

Кўрмоқ бору кўришмоқ йўқ,
Бир-бировга эргашмоқ йўқ,
Аро йўлда айрилмоқ бор,
Аввалгидек сирлашмоқ йўқ.

Иш билан овунмоқ бору
Ишқни деб куюнмоқлик йўқ.
Ошиқ кўнгиллар хор-зору
Армон бор, суюнмоқлик йўқ.

Тақдирга кўнмоқлик бордир,
Бир ёниб, сўнмоқлик бордир,
Бегона бўлмоқлик бирла
Девона бўлмоқлик бордир.

Кўз ёшларни ичга ютиб,
Ўксиниб, оғринмоқлик бор.
Ҳеч кимга айтмай, жимгина,
Жимгина соғинмоқлик бор.

Аввалгидек хатолик йўқ,
Аввалгидек йўқдир вафо.
Аслида биз ўйлаб топган
Қарорларнинг бари хато!

Бу жимжитлик бунча оғир,
Кўрмоқ бору, кўришмоқ йўқ.
Хаёл каби узун йўлда
Биргалашиб юришмоқ йўқ.

Яшаш учун баҳона кўп,
Юрак эса йиғлар зор-зор.
Кўз ёш чўккан нигоҳларда
Берилмаган саволлар бор.

Йўл

Сиз бор... Мен бор... ИККИМИЗ йўқ,
Кетяпмизу кетгимиз йўқ.
Соғинчлардан безиб-безиб
Кетганимиз айтгимиз йўқ.

Дейди: бунча қадрим арзон,
Йиғлар севги — норасида.
Муҳаббату меҳр сарсон
Борлик... йўқлик орасида.

КЎЗИМ ЮМДИМ...

Кўзим юмдим, дардим унут
Бўлиб бораяпти, мана,
Юрсам шунча йўллар бору
Юракка қайтяпман яна.

Кўзларимга уйқу келмай,
Уйғоняпти хотиралар.
Энди сизни кутмайман мен,
Энди соғинчлар йўл қарар.

Кўзим юмиб, кимлигимни
Унутишга шайланяпман.
Ойдек ойдин хаёлларнинг
Тутқунига айланяпман.

Дил вужудга ўт қалайди,
Нима қилай, ўйланяпман.
Бу оташнинг азобидан
Қийналяпман, қийналяпман...

Йиллар ўтиндек уволдир,
Гуриллаб ёняпти умрим.
Икки дунёим куяр, деб
Бу ишқдан тоняпти умрим.

Бу зулматлар водийсида
Билмадим, нени кутяпман.
Кўзим очишга қўрқяпман,
Кўзим юмдим, унутяпман...

* * *

(А.га)

Жилмайиб қўяман Сизни эсласам,
Табассум қилади кўзимда кулгу.
Умрингизга безак бўлиб турибди
Ҳали ўзингиз ҳам сезмаган туйғу.

Ҳавас қилса арзир Сиздай одамга,
Битирмай қўймайсиз бошлаган ишни.
Кўнгилнинг ишлари эсга тушганда
Осон унутасиз ҳамма ташвишни.

Сира зерикмайсиз кундалик ёзиб,
Ажойиб бир эрмак топиб олгансиз.
Кўнгил сирларингиз очар йўлларни —
Ҳамма эшикларни ёпиб олгансиз.

Гўё дилга яқин бир дўст излайсиз,
Яхшиси, кўнгилдан излайсиз паноҳ.
Илоҳий нур кўрдим юзларингизда,
Мўминлар қатори сийлабди Аллоҳ.

Осмондай бепоён бедор дилингиз,
Тўрт девор ичига сиғмай қоласиз.
Хаёл билан ўтиб таниш йўллардан
Таниш ишхонага етиб оласиз.

Кеча кеч ўзингиз ёпган эшикни
Ўзингиз очасиз яхши ниятда.
Эрта қилган ишнинг унуми бўлар,
Ишга кеч келганлар қолар уятда.

Қўлингиз ишда-ю, дилингиз бедор,
Фақат яратгандан меҳр кутасиз.
Балки, шунинг учун катта-кичикка
Ширин бир табассум ҳадя этасиз.

Тўхтанг, ҳамма гап шу чин табассумда!
Тўхтанг, ҳушёр тортиб, боқинг атрофга.
Самимий одамлар қаторида Сиз
Энг аввал кирасиз «Қизил китоб»га.

Кўчага чиқингда, қаранг тўрт ёнга,
Ҳамма ўз юмуши, ўз дарди билан.
Ҳамма ҳам очилиб кулавермайди,
Ҳамма ҳам табассум қилмайди чиндан.

Қаранг, кўча тўла тунд қиёфалар,
Кулинг, кулиб юриш ярашар Сизга.
Сизни суюнтириб бир дуо қилай,
Кўз тегмасин кулган кўзларингизга.

Очиғи, мен Сизга қиламан ҳавас,
Шундай яшайди-да ҳар мўмин одам.
Сиз яхши одамсиз, шунинг учун ҳам,
Жилмайиб қўяман Сизни эсласам.

* * *

Кеча бахтли эдик, бахтиёр эдик,
Бахт ҳам ҳавас билан қарарди бизга.
Бугун бизни кутиб таниш кўчалар
Интизор боқади йўлларимизга.

Дарахтлар... улар ҳам негадир ҳайрон,
Ийманиб кафтида гул тутиб турар.
Осмонга қарайман, бир тўп булутлар
Соядек ортимдан эргашиб юрар.

Ёмғир ёға бошлар, шалаббо бўлиб
Соябон остида қайтаман уйга.
Тўрт девор ичида ёлғиз йиғлайман,
Энди бор дардимни айтаман уйга.

Дераза ортидан мўралайди ой
Илиниб яримта умидларини,
Уйқуси келмаган бир одам тунда
Ҳижжалаб ўқийди дил дафтарини.

Эсланади ҳамма айтилган гаплар,
Орзулар бирма-бир ёдига тушар.
Қисматнинг ишига кўниколмас у,
Юрак чидолмайди, юрак увишар.

Худо берган дарддан қутулиб бўлмас,
Ўша дардни дард деб аташ ҳам хато.
Куйиб кул бўларди минг ёшлик чинор
Одам бўлиб яшаб кўрса, мабодо.

Кеча турналарга ҳавас қилгандик,
Озод қушлар жуда бахтиёр, дердик.
Биз улардек бахтли бўлолмасак ҳам
Кеча бахтли эдик, бахтиёр эдик.

* * *

Йўлингизга етмаса йўлим,
Қўлингизга етмаса қўлим,
Чопиб ўтаётган умримни
Ҳисобласа бепарво ўлим,
Мен кимга ишонай, юрагимгами?!

Ёз келса жилмайиб, кўзини сузиб,
Йиғлоқи куз келса асабин бузиб,
Ўзимнинг исмимни унутиб қўйиб
Изғиринда юрсам баҳорни кутиб,
Мен кимга ишонай, тилагимгами?!

Бу дунёнинг темир қонунларидан
Зиндон ичра қолган жон топса озор,
Оқибат йиғласа бир ёнда қолиб,
Бир ҳовуч меҳрни пулласа бозор,
Мен кимга арз қилай, одамларгами?!

Порахўр, қаллобнинг куни туғса-ю,
Тиғ устида турса ғарибнинг жони.
Бир бор қоқилганнинг дўсти хато-ю,
Тошдан қаттиқ бўлса бир бурда нони.
Мен кимга шеър ўқий, шу ғамларгами?

Яна, йўлингизга етмаса йўлим,
Яна қўлингизга етмаса қўлим.
Чопиб ўтаётган умримни
Ҳисобласа бепарво ўлим...

МЕН СИЗНИ ЙЎҚОТДИМ...

Мен сизни йўқотдим, сиз билан бирга
Дил тўла орзулар кетди йўқолиб,
Менга масрур хаёл ҳадя этдингиз,
Ёнимда қолмайин, ёдимда қолиб.

Мен эса, соғинчла сийладим сизни,
Оташда куйдирдим юрагингизни.
Айрилиқ йўлидан изланг, топасиз
Хаёлот даштида адашган қизни.

Йўл узун, бу йўлнинг сўнги кўринмас,
Кўрган тушларимнинг ўнги кўринмас.
Умримни безаган бу гўзал ишқнинг
Зулматлари бору тонги кўринмас.

Йўқотмоқ асли не, топмоқ бўлмаса,
Ошиқманг юракда чақмоқ бўлмаса,
Нега ўксинамиз, нимага севдик,
Бу туйғу бир умр ҳамроҳ бўлмаса?!

Мен сизни йўқотдим, сиз билан бирга
Бир гўзал туйғулар кетди йўқолиб...

ҲИЖРОН ҚЎШИҒИ

Қуёш ҳар кун сўзлашар,
Ой ўн беш тун сирлашар,
Бир бирини соғиниб
Кун билан тун учрашар,
Бу дунёнинг бир ками
Бизлар учун дийдорми,
Сизни кўрар кун борми?!
Сизни кўрар кун борми?!

Чуғурлашиб тинмайди,
Қалдирғочлар қайтдилар.
Қатор-қатор турналар
Бахт қўшиғин айтдилар.
Маҳзун ҳижрон қўшиғин
Тинглашга кўнгил зорми,
Сизни кўрар кун борми?!
Сизни кўрар кун борми?!

Ариқларни тўлдириб
Сувлар шарқираб оқар,
Кўклам тоғу тошнинг ҳам
Чаккасига гул тақар.
Бу йилги келган баҳор,
Ўзи чиндан баҳорми?
Сизни кўрар кун борми?!
Сизни кўрар кун борми?!

Озод қушдек ораста
Юракка сиғмайди дард,
Ўз ҳолига ачиниб,
Ўксиниб йиғлайди дард.
Бу саволнинг жавобин
Шу бугун билишим шарт!
Сизни кўрар кун борми?!
Сизни кўрар кун борми?!

Исму жисмим пайваста,
Гул тўшадим йўлларга,
Бу дунёда бахт борми
Биздек сарсон дилларга.
Худойим бахт берармиш
Дуо тутган қўлларга.
Бу армонлар бекорми,
Сизни кўрар кун борми?!

* * *

Кўзингизни кўргани келдим,
Сизга дилдош бўлгани келдим.
Бу дунёнинг дардидан қочиб
Бағрингизда ўлгани келдим.

Тўйиб кетдим ёлғон гаплардан,
Дўстларим ҳам бермади ёрдам.
Мени ёлғиз тушунган одам,
Кўнглингизни олгани келдим.

Ҳапқиради бунча юрагим,
Очилмаган ғунча — юрагим.
Тўхтаб қолгунича юрагим
Ёнингизда бўлгани келдим.

Кўзингизни кўргани келдим,
Сизга дилдош бўлгани келдим,
Бу дунёнинг дардидан қочиб
Бағрингизда ўлгани келдим.

СИЗНИ КУТАЯПМАН...

Кўчадан бир изни қидираётиб,
Ўзни унутаяпман.
Сездимки, ҳавони симираётиб,
Мен қон ютаяпман.
Сизни кутаяпман...
Кутишнинг ҳар куни йилга ўхшайди,
Оғир, оғир бир зил замбилга ўхшайди.
Ҳаммани унутиб, Сизни кутаяпман,
Соғинчлар ҳам ҳар хилга ўхшайди.
Хотира чиройли, юпун кўйлакда,
Бир кафт меҳр тутар титраётган қўл.
Оппоқ қор... саждага бош қўйганича,
Жон сақлаб турибди биттагина йўл.
У йўлга интизор туйғу пойлоқчи,
Сизни кутаяпман кўнгил уйида.
Соғинчларим мудраб бош тебратади
Айрилиқ найининг маҳзун куйига.
Бир келиб кетмайсиз кўнгил уйига,
Бир келиб кетмайсиз кўнгил уйига.

* * *

*Игволарни тинглаб ўтирманг,
Илдам қадам ташлаяпсиз-ку.
Кўп гапирманг дунё ҳақида,
Юрагимда яшаяпсиз-ку!*

*Бундан ортиқ бахт борми, айтинг?
Орзуларга ишонамиз-да!
Ҳаққа қарши жанг қилармидик
Бахт сиғмаса пешонамизга.*

*Наҳот ўша тўрт ҳарфли сўз
Тўрт фаслдек эсламас бизни?
Нега бўғиб ўлдираяпсиз
Айтилмаган сўзларингизни?!*

*Хотиралар ямоқ тўн кийиб
Ер юзини хароб қилади.
Бу гапларни шум қисматимиз
Ёстиқдек бир китоб қилади.*

*Ёниб кетди биз юрган йўллар,
Кўнглимиз ҳам кул бўлди, майли,
Қил кўприкда омон юрибмиз
Тангрининг туҳфаси туфайли.*

*Ташвишларни эслаб ўтирманг,
Илдам қадам ташлаяпсиз-ку,
Кўп гапирманг дунё ҳақида,
Юрагимда яшаяпсиз-ку!*

УНУТИБМАН...

Мен ўзимнинг кимлигимни унутибман,
Нега тошдек жимлигимни унутибман,
Аммо сизни ҳалигача унутмадим,
Фақатгина шу туйғуни сир тутибман.

Кетганимга ҳадемай ўн ой бўлади,
Ўртамизда оққан кўз ёш сой бўлади,
Берадиган саволи кўп, жавобим йўқ,
Нега бунча кўнгил эркатой бўлади.

Бизга нима бўлганлигин билмайсизми,
Кўнгил берсак, бевафолик қилмайсизми,
Сизга ўхшаб бораяпман, арзи ҳолим
Айтсам, менинг аҳволимга кулмайсизми?!

Мен билмасдим соғинч олов бўлишини,
Кўнгил айтган гапга хаёл кўнишини,
Жонга яқин жондошимдек соғиняпман,
Юрагимнинг битта эски танишини.

Неча кунки, хаёлимни тўзғитаман,
Кўринмайсиз, кўзим тиниб кўз тикаман,
Ўзанига сиғмай оққан сойга ўхшаб,
Шошиламан, нимагадир энтикаман.

Сизга дардим достон қилиб, нима қилдим,
Тўлиб-тошдим, жимлигимни унутибман.
Менга нима бўлганлигин энди билдим,
Мен ўзимнинг кимлигимни унутибман.

ЎЙЛАЙМАН...

Ўйлайман... хаёлим саҳнидан
Ўтади хотира карвони.
Умримни куйдириб, кул қилар
Биргина юракнинг армони.

Биргина орзу бор дилимда,
Рўёбин қидира бошлайман.
Қудуққа ташланган тош каби
Бир тутам нур кутиб яшайман.

Сабримни синайди садоқат,
Мунғайиб қолади юрагим.
Наҳотки, шунчалар имконсиз
Менинг бир покиза тилагим.

Ўйлайман... ўйлайман... ўйлайман...
Негадир йиғлайди бардошим.
Мени шу зулматда қолдириб
Қайларда юрибди қуёшим?!

Тумандай тарқайди қайғулар,
Армонлар йиғилиб келади.
Бир тоза орзум бор, у учун
Бахтиёр яшасам бўлади.

Дилимда минг битта ҳаяжон,
Бир гўзал ҳис учун яшайман.
Сизни унутмайман ҳеч қачон,
Дунёда Сиз учун яшайман!

* * *

Ҳали бир чиройли кунлар келади,
Мен куламан, Сиз ҳам кулиб келасиз.
Кулиб келишимни биласиз балки,
Балки соғинганим билиб келасиз.

Кўнглимни ололмай бўласиз сарсон,
Кечирдим!.. Йўқ! Яна... кечирмаганман...
Сизни хаёлимдан ўчирганману
Исмингизни дилдан ўчирмаганман...

Яна юрагимни абгор этаман,
Мен яна ўзимни тушунолмайман.
Осмонга қўшилиб йиғлаб кетаман,
Тушунинг... мен... шунинг учун... қолмайман!

Унутдим! Йўқ! Яна... унутолмайман...

Кўнглимнинг кўчаси ғарибдан ғариб,
Ҳадикларни четга суриб келасиз,
Бир куни бир қучоқ гуллар кўтариб
Яна юрагимга кириб келасиз.

* * *

Бизни синаб кўрди ҳаёт,
Бизни сийлаб кўрди ҳаёт,
Наҳотки кўп кўриндик биз,
Бизни қийнаб кўрди ҳаёт.
Биз ўтмидик, ўрди ҳаёт,
Сабримизни сўрди ҳаёт.

Бизлар мангу айрилдикми?
Соқовмидик, сўролмадик.
Кўрдикку бор кўргуликни,
Бахтнинг юзин кўролмадик.
Ишқ нур эди, ишқ гул эди,
Совуқ урди, ўролмадик.

Сажда қил, тиз чўк, дедилар,
Умринг қисқа, шу бир сўқмоқ.
Кўз ёшингни тўк, дедилар,
Мен тўкилдим, шудир тўкмоқ.
Таъзиримни бериб бўлди
Бу ур тўқмоқ, бу ур тўқмоқ.

Майли, менга ёмон бўлинг,
Энди сиз у томон бўлинг,
Мен не бўлсам бўлдим бугун,
Сиз ҳар куни шодон бўлинг.
Не бўлса ҳам омон бўлинг!
Не бўлса ҳам омон бўлинг!

Йўлингиз бехатар бўлсин,
Хатарлар бехабар бўлсин,
Йўл бўлсин-эй, йўл бўлсин-эй,
Бу йўл Аршга қадар бўлсин!
Бу йўл Аршга қадар бўлсин!

Дийдор соғинчи

Ярим йўлга етдим, ярим йўлдаман,
Ёнингга бормоққа эмасман интиқ.
Истасанг, мендан ҳам ғурурли бўлгин,
Истасанг, раҳм қил, кўришгани чиқ!

Мени қўй, қўй мени эслаб, йиғлама,
Кўз ёшингни ичга ютиб чарчагин.
Юлиб ташлолмасдан аҳволим забун
Мен ҳам юрагимнинг битта парчасин.

ОРЗУ

Негадир ёнингга боргим келяпти,
Нимагадир сени кўргим келяпти.
Соғинчлар йўлимга поёндоз солди,
Билолмадим менга нима бўляпти.

Ёниб тугаётган шамча қадрим йўқ,
Сенга айтгулик бир гапим, дардим йўқ,
Фақат, кўзларингни кўргим келяпти,
Сабрим йўқ, негадир ҳозир сабрим йўқ!

Турғун нима бордир ўзи дунёда,
Фақат юракдаги туйғулар ростгўй.
Не бахтки, ўткинчи исёндан кечдик,
Балки, бизга таниш қайғулар ростгўй.

Не бахтки, саждага етди бошимиз,
Дилдаги аламлар тўкилиб кетди.
Сабрим тўқиб берган олтин қафас ҳам
Ҳозир чок-чокидан сўкилиб кетди.

Кўнгилнинг ишига тушунмай қолдим,
Бир чеккада қолди дунёнинг иши.
Кимдир гўзал бахтни башорат қилар,
Тинмай айланади фалак гардиши.

Бу ҳис нелигини бир Худо билар,
Бир сен биласану бир мен биламан.
Бахт қасрида яшаб, хотираларни
Унута олмасам нима қиламан?!

Ҳар кун йўлларингга пешвоз чиқади,
Осмонга кўнглимни ёргим келяпти.
Анҳор бўйидаги серсоя, мағрур
Дарахтга айланиб қолгим келяпти.

БАҲОР КЕЛДИ...

Баҳор келди. Баҳордай шошиб
Юрагимга кириб келди У.
Хаёлларга, ўйга кўмилиб
Маъюсгина юриб келди У.

Келди. Унинг келишларига
Қўшилишиб келди табассум.
Муз юракни эритаётган
Бу ҳис сирли, бу туйғу маъсум.

Бу баҳорнинг тонги чиройли,
Чиройлидир оқшомлари ҳам.
Тотли тунда уйқу ўчганда
Йўқотилган оромлари ҳам.

Ғам-ғуссага не ҳожат, ахир,
Кунда насиб қилади дийдор.
Янги-янги туҳфалар билан
Бизни кутиб оляпти баҳор.

Ойдан ойдин хаёллар билан
Яна бедор ўтяпти кеча.
Юрагимда гуллаётган ишқ
Мангу қолсин шундайлигича.

* * *

Мен фақат кўнгилнинг йўлидан юриб,
Сабрим тутган сувни тўйиб сипқордим.
Нима бўлганини тушунмай туриб
Сени соғинишни бошлаб юбордим.

Атрофга қарайман, тўрт томоним қор,
Худонинг раҳмати ёғар бошимга.
Бизнинг ўртамизда катта хато бор,
Қўй, бундай қарама кўзу қошимга.

Узоқроққа кетгин иложи бўлса,
Туманли йўлларда йўқолиб қолай.
Аввал ишқ чўлидан ўзимни топиб,
Кейин изларингни қидириб толай.

Йилларнинг қорлари, қировларидан
Омон чиқсак, кулиб келади баҳор.
Қўрқмайлик дунёнинг синовларидан,
Олдимизда яна битта дунё бор.

* * *

Қишнинг совуғига парво қилмайман,
Билмайман тушимми, ўнгимми бу кун.
Қанча яшашимни ҳатто билмайман,
Режалар тузаман келажак учун.

Орқамга қарасам, юрагим санчар,
Олдинга одимлаб кетиб боряпман.
Ўзим билиб-билмай ўзимдан кечиб,
Ўтган кунларни тарк этиб боряпман.

Боряпман қайгадир — нотаниш жойга,
Дилда ҳадик ҳам йўқ, хавотир ҳам йўқ.
Ёлғиз кетяпману ёлғиз эмасман,
Ёдимда сен борсан, шундан кўнглим тўқ.

Тангрим суйганидан итоат берар,
Суйганига сабру қаноат берар.
Сендан мерос қолган юракдаги чўғ
Менга ғайрат берар, шижоат берар.

Кетиб бораяпман дунёга сиғмай,
Қорларга қўшилиб эриб кетяпман.
Бахтли бўлишимга ишонгим келмай,
Сени гўзал бахтга бериб кетяпман.

Кетяпман, ўзимга ўхшаб кетяпман,
Гулларга кўмилган баҳордек кулиб.
Дунёдан бахт топсам, сўзингда туриб
Мени табриклагин биринчи бўлиб.

* * *

Ярим тун... хаёлинг тинч қўймас мени,
Ярим тун... негадир сени ўйлайман.
Мана, энг чиройли сўзингни топдим!
Кўнглимни титкилаб кўриб... тўймайман...

Ярим тун... ярим тун... ярим тун... ярим...
Томоша қиламан жим-жит бўшлиқни.
Ўзимча берилиб куйлайман яна
Қалбингга энг яқин гўзал қўшиқни.

Узоқлардан учиб келар бир овоз:
«Унутарсан бир кун айтган сўзимни...»
Тўрт фасл нарига қаламан парвоз,
Юмолмайман ивиб кетган кўзимни.

Биламан, қуёшнинг дийдори узоқ,
Жўр бўлгин соатнинг чалган куйига.
Шу бугун тонггача ўчмайди чироқ
«Чекка бир қишлоқнинг чекка уйида...»

УЧРАШУВ

Ичиккан нигоҳлар учрашди,
Юракдаги доғлар учрашди,
Бир-бирига талпинган ирмоқ —
Адашган сўқмоқлар учрашди.

Ортда қолди, шу онда унут
Дарё бўлиб оққан кўз ёшлар,
Бегоналик бегона диллар
Бир-бирига ишона бошлар.

Озодликка талпинган қушдек
Соғинчларга енгилди ғамлар.
Қандай яхши, учрашди яна
Бир-бирин соғинган одамлар.

* * *

Соғинчлардан безиб боряпман,
Йўқлигингни сезиб боряпман,
Чақирақол, қайда юрибсан,
Оппоқ қорни эзиб боряпман.

Ахир бугун йўлимиз оппоқ,
Бошимиздан бахт сочар осмон.
Оқ кўйлакли кўчаларга боқ,
Дилимизда қолмасин армон.

Эшит, қора қарғалар айтди,
Гулюз баҳор келаётганмиш!
Сен йўқсан, ўз вақтида қайтди
Ўша, бизни учраштирган қиш.

Ташвиш, ташвиш устига ташвиш
Изларингни кўммоқда бир-бир.
Титраб турган хотиралардан
Мадад олиб турибман ҳозир.

Соғинчлардан безиб боряпман,
Йўқлигингни сезиб боряпман,
Чақирақол, қайда юрибсан,
Оппоқ қорни эзиб боряпман.

* * *

«Бегонаман...» сўзларинг
Ёнимдан ўтиб кетди,
Келмадинг, соғинчларинг
Жонимдан ўтиб кетди.

Негадир бу азобдан
Кечиб кетолмадим мен,
Қанотларим кесилган,
Учиб кетолмадим мен.

Дийдор қадами етган
Йўллардан юриб кўрдим,
Кечалари ухламай
Хаёллар суриб кўрдим.

Бу бедаво дарднинг ҳеч
Номини тополмадим,
Куйган кўнгилнинг юзин
Гул билан ёполмадим.

Баҳор ёнимда эди,
Ёдимда эди дийдор.
Нега сен аҳволимни
Сўраб қўймадинг бир бор?

Қанотларим кесилган,
Ёнингга боролмайман.
Нега шундай бўлди, деб
Сабабин сўролмайман.

Тақдирми унинг номи?
Худо берган кўргулик.
Ўзим ўлган бўлсам ҳам
Ҳали юрагим тирик.

Шунчалар оғирмикин
Жимжитликнинг залвори?
Битта умрдан қиммат
Бир одамнинг дийдори.

* * *

Сен юрган йўллардан юриб ўтмоқлик
Оғир туюлади сен йўқлигингда,
Бу йўллардан хаёл суриб ўтмоқлик
Оғир ботмасмиди мен йўқлигимда?

Йўл бўйи кўнглимга яшириб келдим
Сенга беролмаган саволларимни.
Нима деб алдайман? Нима деб алдай
Кун санаб чарчаган хаёлларимни?!

Ҳозир қаердасан, ердами, кўкда?
Қайдасан, орзуси осмоним менинг?!
Умримни зимистон чоҳга ташлаб ҳам
Кўнглимни ёритган армоним менинг!

Ҳар лаҳза жонимни ўтга тутади,
Бу азоб аламми, бахтми, билмайман.
Соғинчларим билан бахтли бўлсам мен
Нега бошқалардек шодон кулмайман?

Ором берармикин куйган юракка
Ҳижрон азобини ташлаб кетмоқлик,
Оғир туюлади сен йўқлигингда
Сен юрган йўллардан юриб ўтмоқлик.

* * *

Ёнингда турибман... Мен... яна ўзим...
Тўзғитиб ташладим хаёлларингни.
Қайга яширишни билмай, хунобсан
Менга беролмаган саволларингни.

Кўзингга қарайман, кўзларинг — савол.
Менга айтолмаган сўзларинг — савол.
Юракни нимадир тимдалайверар,
Буларнинг ҳаммаси... ҳаммаси... ҳалол...

Кетасан бошингни хам қилганингча,
Йиғлолмай, дилингни нам қилганингча,
Кунлар ўтаверар, дийдор — ғанимат...
Яшайсан, яшайсан сан билганингча.

Менчи? Мен ҳолимни кўриб, хайронман,
Кулбаси йиқилган хонавайронман.
Гуноҳим — йиғлоқи нигоҳим билан
Изларингни ўпиб юриб, сарсонман.

Энди билдим, мен бир қадри арзонман.
Шу ҳолимга... яна... сенга... армонман...

* * *

Изимга изи тушса, дилда туғён уйғонар,
Кўзимга кўзи тушса, кўксимда олов ёнар.
Бу қандай синов бўлди, асовга жилов бўлди,
Гулдек шаҳдим сўлдирган бемаврид қиров бўлди.

Кўкламдек кўркам эди дилдаги туйғуларим,
Мисоли осмон эди олифта орзуларим.
Мағрурлигим махф этди меҳригиё бир меҳр,
Хайронман, бир лаҳзада йўқолди қайғуларим.

Шунчалар бахтлиманки, кўз қамашар бахтимдан,
Ҳаёт андоза олар кўнгилдаги шаҳдимдан.
Тақдир — уста савдогар, бахтни насия қилиб,
Мен соддани кўп синаб, айирмоқчи нақдимдан.

Бу қандай синов бўлди, дўст деганим, ёв бўлди,
Хаёлларим чалкашиб, йўлларимга ғов бўлди.
Йўл ярмига етмасдан, қўлларимни тутмасдан,
Жондан азиз деганим бегона — биров бўлди.

АЙРИЛИҚ

Кўз ёшга томган кўз ёш сену менман.
Усмон Азим.

Айрилиқ — қаноти қайрилиқ бир қуш,
Кузги боғда ҳайрон учиб юрган қуш.
Оловранг кўйлагин кийган бир дарахт
Ғафлат уйқусида кўраётир туш.

Ўзини баҳор деб ўйлаган дарахт
Баҳорда қуёшни яхши кўрарди.
Сочин ўйнамасди дайди шамоллар,
Шаббодалар ундан кўнгил сўрарди.

Шод эди, бир пайтлар бахтиёр эди,
Олов эди унинг нигоҳлари ҳам.
Ёнди, ёниб кетди ўз ўтида у,
Ўйлади: майлийди шу ҳолда ўлсам...

Япроғини тўкди безовта бир қуш,
Дарахт бошин чайқаб, уйғониб кетди.
Ишонмас, наҳотки, кўрганлари туш,
Йиғламоқ навбати унга ҳам етди?..

Умр... умр шундай азим дарё эканки,
Бизнинг кўз ёшимиз бир қатра, холос.
Сену мен бир умр тўйиб йиғладик,
Бир марта кулгандик, бир марта, холос...

СИР

Лабларимга кулгу бахш этиб,
Кўзларимга қувонч бергандинг.
Сен мен учун қанчалар зарур,
Кераклигинг сезмай юргандинг.

Бахтиёрсан, ҳеч қандай жангсиз
Юрагимни этгандинг ишғол.
Афсус... бугун бегонадаймиз,
Майли, буни билмай қўяқол.

* * *

Бу сўзлардан кейин гапириб бўлмас,
Бу сўзлардан кейин кулиб бўлмайди.
Индамай йиғлашни ўрганақолгин,
Нима бўлганини билиб бўлмайди.

Бошингни хам қилиб йўлга чиқасан,
Ёмғирда ювиниб ётар тошкўча,
Кўзларингга хунук кўринаверар
Таниш чеҳраларга тўла бу гўша.

Кимдир шодлигидан мириқиб кулар,
Қара, қандай бахтли одамлар бор-а?!
Қадамингда қурбон бўлар орзулар,
Кўнгил ёришмайди ахир, начора...

Сўнгги лаҳзагача умидин узмас,
Бекатгача сенга эргашади у.
Жаҳл билан сигнал берар автобус,
Эсингга тушади, кетиш керакку!

Кетасан хайрни насия қилиб,
Шарақлаб ёпилар темир эшиклар.
Тиқилинч, оёққа жой тополмайсан,
Юрагинг янада қаттиқ сиқилар...

Осмон неча марта оқ тусга кирди,
Қанча қора кўйлак кийди, номаълум.
Кунларнинг кифтида беркиниб ётган
Бир сир бор иккита одамга маълум.

Ҳижрон ҳоритади ошиқ йигитни,
Мағрурлик бош олиб кета қолмайди.
Қилган ишларида унум кўринмас,
Ўзини қўярга жой тополмайди.

Йўл

Деразa ёнида йўл пойлаган вақт
Оппоқ сочларини тараб чарчади,
Чучварага хамир олиб қўйган қиз
Энди йиғламсираб пиёз арчади.



САККИЗИНЧИ ҚАВАТ...

Саккизинчи қават деразасидан
Шаҳарни кузатиб, ўйга толасан.
Бир лаҳзада бахтли бўласан яна,
Бир лаҳзада бахтсиз бўлиб қоласан.

Бир лаҳза... бир лаҳза шунчалар рангин,
Кўнглингда кайфият аталмиш қисмат.
Бир орзуни топиб олган юрагинг,
Шу бахтга ишониб яшайсан фақат.

Елкангни эзади зилдек оғир юк —
Хаёлот, у шундай сеҳрли тилсим.
Юр, йўлга чиқайлик, ташқарига чиқ,
Балки, бахтлидирсан, яна ким билсин...

Кўчалар, оқ, оппоқ қорли кўчалар
Сени бекатгача етаклаб борар.
Бекорчи одамга ўхшар изғирин,
Энди у изингдан эмаклаб борар.

Кийимларинг иссиқ, қалбинг ҳам қайноқ,
Дилингнинг бир бурчи муздек, совқотган.
Кимдир кеча сенла қорбўрон ўйнаб
Шу жойга қор эмас, оғир тош отган.

У сени кузатиб туради зимдан,
Унинг хаёлида яшайсан доим.
Шу ёмон дард билан сийлаган сени
Йўлларингни айро қилган Худойим.

Ҳар куни шу аҳвол, илдам кетасан,
У ҳам қийналади яшолмай сенсиз.
Хонада дод солиб йиғлар телефон,
Кетиб қолганингни сезмайди, эссиз.

Йўл

Ортингда бир юрак қолади тилсиз,
У ҳам хаёлпараст бўлиб қолади.
Саккизинчи қават деразасидан
Шаҳарни кузатиб, ўйга толади.

АРОСАТ

Сенинг хаёлингсиз узоқ яшадим,
Аслида узоқ вақт яшаганим йўқ.
Бегоналик сари узоқ йўл босдим,
Аслида бир қадам ташлаганим йўқ.

Қанча йўл юрсам ҳам, йўлим унмади,
Аслида олисда бўзлаб қолдим мен.
Ҳарорати совуқ сўзларинг тинглаб,
Шундай саратонда музлаб қолдим мен.

Сўзи гул, юраги олов эдим-ку,
Наҳотки, бу тақдир шунча бешафқат?
Тақдирга тан бериб яшаяпсан сен,
Энди тушларингга кираман, фақат...

Фақат...
Бу дунё ёлғон деб ҳар кун ўзимни
Алдаб яшай десам, қолмади тоқат.
Сен бўзлаб йиғлайсан безовта бўлиб,
Мен бўзлаб йиғлайман, тўрт ён аросат.

* * *

Бунчалар аламли бўлмаса бу дард,
Шу азобдан бошқа йўқдир овунчим.
Бахтли кунларимиз ёдга тушганда
Дуоларга тўлиб кетди ҳовучим.

Сабрим сирларингни ичингга ют, деб
Кўнглимнинг кўшкини жарликка отди.
Минг уриниб, меҳрим қозонган одам
Қадрини жудаям арзонга сотди.

Ҳеч нарсам қолмади бир ҳисдан бошқа,
У ҳам бўлса нафрат, ғафлатда қолдим.
Бир бегона ҳисни шунча ардоқлаб,
Нимагаям унга қаттиқ ишондим.

Мен кўрмаган қайғу қолмади чоғи,
Ҳижрондан ҳам ўтиб, армонга етдим.
Қор остида қолди бахтимиз боғи,
Яхши қол, кўнглимнинг бағрига кетдим!

* * *

Ўз ўзингни алдаб яшамоқ надир?
Наҳотки, юракка ишониб бўлмас.
Ёмғирдек тўкилиб йиғласа юрак
Уммонлар тўлару, бу кўнгил тўлмас.

Ўзинг топмай туриб йўқотган бахтим —
Топилмай йўқолиб қолган қувончим!
Бугун мен ҳаммадан ёлғизман, ёлғиз,
Ишончим қолмади, ишончим!

Бугун сен ҳаммадан бахтлисан, бахтли!
Барибир безовта юрагинг дардли.
Шу ҳолда эслатиб турибсан менга
Илдизи чопилган азим дарахтни.

Пойингга тўкилди бир кун ғururim,
Тупроққа қорилди тоза тилагим.
Сени эсласам ҳам, эсламасам ҳам
Энди бот-бот санчиб қўяр юрагим.

* * *

Уни қишда топгандим,
Йўқотиб қўйдим қишда.
Нима бўпти, бу ҳам бир
Бошимга тушган иш-да!

Бу туманлар ўткинчи,
Қуёш чиқар эрталаб.
Ахир, шиор биз учун
Ҳаёт — мактаб, деган гап.

Ичимдаги умиднинг
Қанотлари куйди-ей,
Ошиқ дил севганини
Соғинмасдан қўйди-ей.

Лов-лов ёнган ўт ўчди,
Кулнинг куйгани нима,
О, менинг юрак деган
Садоқатли дўстим-а!..

Нима бўпти, бу ҳам бир
Бошимга тушган иш-да!
Уни қишда топгандим,
Йўқотиб қўйдим қишда.

* * *

Сенинг сўзларингни эшитди Худо,
Мириқиб сўзлашга имкон берди у.
Орзуси тугаган орзулар билан
Жимгина ўтириб, ўйлаяпманку!

Менинг сўзларимни эшитди Худо,
Обираҳмат дедим ёмғирларини.
Тарозига солиб юрмайман ҳатто
Бошқа одамларнинг тақдирларини.

Сенинг сўзларингни эшитди Худо,
Тўйгунча йиғлади менинг кўзларим.
Мана, хатолардан бўляпман жудо,
Қарагин, негадир юрагим ярим.

Тўкилиб кетяпти ўрик гуллари,
Сен келар йўлларни беркитди Худо.
Сенинг юрагингда гуллади соғинч,
Менинг сўзларимни эшитди Худо.

Менку, кеча-кундуз қиламан дуо,
Барибир азобдан бўлмаймиз жудо.
Ахир... билиб-билмай гапириб қўйдик,
Бизнинг сўзимизни эшитди Худо.

* * *

Нега учраштирдинг, билмадим,
Кўзларини кўрмоқ учунми?
Ё йўлида саргардон бўлиб,
Ҳижронида ўлмоқ учунми?

Нега учраштирдинг, билмадим,
Синовингни сезмоқ учунми?
Орзу қилиб, армонларида
Юрагимни эзмоқ учунми?

Нега учраштирдинг, билмадим,
Шукр, сенга исён қилмадим.
Мен бахтга зор бўлганим билан
Бахтни назаримга илмадим.

Нега учраштирдинг, билмадим...
Билмаслигим қанчалар яхши.
Армонида хаёлим сарсон,
Ҳижронида юрагим бахши.

Нега учраштирдинг, нимага
Исён қилмас исёнкор руҳим.
Бу талотўп дунёинг ичра
Кичкинами менинг андуҳим?

Нега учраштирдинг, билмадим,
Бу ҳаётдан безмоқ учунми?
Бандасининг ишқидан тониб,
Бир Ўзингни севмоқ учунми?

* * *

Юрагингда бир гул очилди...
Юрагимга кирдинг қонларни кечиб,
Сени деб жонимдан кеча олмадим.
Нимага ишониб келдинг ёнимга,
Мана шу жумбоқни еча олмадим.
Қолмадим...
ёнингда...
қолмадим...
Йиғладинг: «Чопмади омадим!..»
Ҳар куни тушимга кирсанг ҳам
Мен айтган сўзимдан тонмадим.
Мен кетгач, сен кетдинг узоққа,
Бахтингни Худодан сўрадим.
Изингни яширган сўқмоқни
Шу кеча қор босди, қарадим...
Келмадинг...
келмадинг...
келмадинг!
Ишқинг чечагини бағрига босиб,
Бахтиёр ўтмишим йиғлаётибди.
Нима бўлганини сезмай қолибман,
Меҳринг вужудимда томир отибди.
Юрагимда бир гул очилди...
Сезмадинг...
сезмадинг...
сезмагин...

ТАҚДИР ДЕГАНИ ШУ...

Сенинг кимлигингни гулзор билади,
Кечалар сирдошинг намозшомгуллар.
Райҳон исларига тўйиб ухлайсан,
Тағин ташлаб кетар бевафо тунлар.

Яна бир кун ўтиб, ботади қуёш,
Хуш кўрмай қолгансан кундузларни ҳам,
Башорат қилолмас бахтни мунажжим,
Писанда қилмайсан юлдузларни ҳам.

Ростини айтаман, бошқаси рўё,
Шеърдан иборатдир мен учун дунё!
Негадир мендадир сенинг хаёлинг,
Ортга қайтишимга интиқмисан ё?

Туш кўрибман, ёнар экан юракда
Вақтида ёзилмай қолган мактублар,
Хат ёзма, куйгану кулга айланган
Ёрингнинг кўнглини олган мактублар.

Бошқа орзу бизни манзилга элтар,
Тақдир degani шу, етар, сиқилма.
Майли, соғинмагин ҳар доимгидек,
Кўзларинг тўрт бўлиб йўлга тикилма.

Таниш йўл ҳам мени олиб келмайди,
Ҳаётингга ҳисоб берар каккулар.
Фақат кўзларимга раҳмим келади,
Сени кўрмаса тинч ухлолмас улар.

* * *

Ўша куни қуёш бошқача эди,
Бизни кўп сийлади кетгиси келмай.
Кўнглим кўп ўртанди, бир сўз демади
Сирларини ошкор этгиси келмай.

Вақт эса, вақт толнинг шохига чиқиб,
Унинг баргларини тўкиб ташлади.
Бизни қайта бирга кўрмади офтоб,
Бегона шамоллар эса бошлади.

Дарахтлар мунғайиб қарар кўчага,
Бир йўлдан юрмади қадамларимиз.
Дунё — ишқ, биз унинг ҳижрон фаслида
Бир-бирин соғинган одамларимиз.

Япроқлар тўкилса, куздан даракми?
Бизга шу аҳволда яшаш керакми?
Муҳаббат юртининг кўкламларини
Кўргиси келмаган юрак юракми?!

Биз кутсак, кўп кутсак, кулармикин қуёш?
Бизнинг кимлигимиз билармикин қуёш?
Бир куни туманли аро йўллардан
Дийдорни етаклаб келармикин қуёш?

* * *

Мана, кулиб тушган сувратинг,
Ўшанда кўп бахтли бўлгансан.
Мендан рухсат сўраб ўтирмай
Юрагимга кириб келгансан.

Ўша кунлар мен ҳам шод эдим,
Бахтли эдим сендан ҳам кўпроқ.
Олис йиллар оралиғида
Қолиб кетди биз юрган сўқмоқ.

Ўша йўлда қолди бахтимиз,
Қувончлару ширин ташвишлар.
Тақдирда бор экан, на илож
Бошимизга тушган бу ишлар.

Эслайсанми, ўша дамларда
Кўп нарсани орзу қилардик.
Ёмонлардан қилардик ҳазар,
Яхшиликни бахт деб билардик.

Йиллар ўтди, бегона йўллар
Бизни олиб кетди олисга.
Тортинамиз ҳозир негадир
Ўша кунлар томон боришга.

Мана, кулиб тушган сувратим,
Ўшанда кўп бахтиёр эдим...

ДИЙДОР СОҒИНЧИ

Хаёлим ўзига бўлиб маҳлиё
Орзуга кўмилиб, қилади пардоз.
Озодликка чиққан дийдор соғинчи
Еттинчи фалакка қилади парвоз.

Юрак озод қушга ўхшайди энди,
Энди мийиғида кулади ҳижрон.
Кўнгилнинг севинчи ичига сиғмас,
Бурчакда уялиб қолади армон.

Қалдирғочлар қўшиғи

Қалдирғочлар пастлаб учяпти...
Бир оздан сўнг ёғади ёмғир.
Овозингиз титраб кетяпти:
«Ёнингизга бораман ҳозир...»

Ҳозир ҳамма нарса чиройли,
Ҳозир ҳамма нарса бошқача.
Мендан аввал қилди табассум
Кўзларимдан оққан ёшгача.

* * *

Бугун офтобга боқиб, кўкка бўй чўзар ниҳол,
Қалдирғоч қанотида меҳр келтирар баҳор.
Юрагинг гулга кирар гуллаган дарахт мисол,
Ўзингнинг кимлигингни сенга билдирар баҳор.

Энди бегоналарга боқмайсан нажот истаб,
Учиб кетгинг келади қушлардек, қанот истаб...
Бахтинг кулиб келмоқда, кўклам кунларига боқ,
Тошлоқда унмоқда гул нурафшон ҳаёт истаб.

Дунёни уйғотмоқда қалдирғочлар қўшиғи,
Юрагингни тўлдириб келади ширин йиғи.
Обираҳматдир асли осмоннинг кўз ёшлари,
Ғаму аламни унут, бўл баҳорнинг ошиғи!

* * *

Мен ишқталаб девонаман,
Сени эслаб, тўлғонаман.
Юрагингда асраб юрган
Сўзларингга ишонаман.

Сенчи, сенинг таърифинг йўқ,
Бугунинг бор, тарихинг йўқ.
Сен ўтмишни унутгансан,
Ҳатто исму шарифинг йўқ.

Ҳузуримда бир янги кун,
Қандай бўлар эртанги кун?
Кўзларимга қаролмайди
Тушларимга кирган Мажнун.

Мана, дилимдаги доғим,
Кўнгилдаги қизғалдоғим!
Нигоҳимни қатл этди
Киприкларимда сиртмоғим.

Мумкин эмас кўришмоғим,
Тошларда гул унса, майли,
Тонг отгунча ўйланасан:
Шунча тошбағирми Лайли?..

Майли, майли, майли, майли,
Ҳар нарсага чидаш мумкин.
Фақат, айтгин, қандай қилиб
Индамасдан яшаш мумкин?

* * *

Сени излаб, топмадим,
Сени йўқотиб қўйдим.
Мени излаб, топмадинг,
Мени йўқотиб қўйдинг.

Истаб-истамасдан биз
Бир туйғуга қул бўлдик.
Бир орзуга қул бўлдик,
Бир қайғуга қул бўлдик.

Охири йўқсул бўлдик,
Сўнг эса қилдик сабр.
Юрагимиз ўксинди:
«Чин муҳаббат қайдадир?..»

Шу нарсани билмадик,
Кўзимизга келди ёш.
Мен учун сен бағритош,
Сен учун мен бағритош.

* * *

Ўзимни хор қилдим мен,
Меҳрга зор қилдим мен.
Юрагим йиғласа ҳам
Қаҳ-қаҳ отиб кулдим мен.

Ҳамёним тўлганда ҳам
Кўнглим тўлмаса нетай?
Номардларнинг олдида
Йиғлаб бўлмаса нетай?

Йўл тўла гадоларга
Топганим улашайми?
Ҳаммасини унутиб,
Озодликда яшайми?

Унутишга келганда
Бошин эгар ғururim.
Тоғдек баланд бошимни
Эгиб кетдинг, мағрурим!

Қадримни қадрдонлар
Пойидан топдим бугун.
Йиғладим бемеҳрга
Меҳр берганим учун.

Бугун олтин деворим
Қулаб тушди, найлайин?
Кўнглимнинг тор кулбаси
Нураб тушди, найлайин?

Куйиб кетган юрагим
Бўзтўрғайдай куйлади,
Йўлларимиз айириб
Тақдир мени сийлади.

Зимистон култепамда
Бошқа ўт ёқолмадим.
«Одамга ўхшамайсан...»
Бошқа сўз тополмадим.

* * *

Юрагингга сиғмай, тўкилолмаган –
Кўзингда мунг қотган ёшга айландим.
Дунёда хотиржам яшамоқ учун
Мен тошга айландим, тошга айландим.

* * *

Ҳеч ким мени эсламаган дам,
Ҳамма мени унутган маҳал.
Юрагимни йўқлаб келасан,
Сен ёдимга тушасан ҳар гал.

Яхшиямки, сен борсан, дунё
Бир камлигин унуттиргани.
Ён-атрофга қарайман шу он
Сендан ўзга бир одам қани?

Сен кетган кун нафақат хаёл,
Қалбим кетди сенга эргашиб.
Ёдимдасан, ёнимда бўлмоқ
Бахти бир кун этарми насиб.

АЙРИЛИҚ

Тўғри қилдиммикин, билмайман,
Сени йўлда қолдириб кетдим.
Юрагимни куйдириб ётган
Исёнимни ўлдириб кетдим.

Гоҳ ўйлайман, гоҳ ўйламайман,
Тўғри қилдиммикин, билмайман.
Тўрт ёнимда тўлғониб ётган
Туйғуларга парво қилмайман.

Гоҳ ўйлайсан, гоҳ ўйламайсан,
Гўёки мен орзуга етдим.
Аслида мен олис кетмадим,
Мени йўлда қолдириб кетдинг.

* * *

Салом-алик қилдик бегоналардек,
Кўнглимиз ўксинди девоналардек.
Яна йўл қарайди бир нажот кутиб,
Юрак ҳувиллаган вайроналардек.

Энди таниш йўллар бизни кутмайди,
Кўклам ҳам жилмайиб чечак тутмайди.
Бизга ер яқиндир, осмон кўп узоқ,
Оҳ урсак, оҳимиз кўкка етмайди.

Мен сизни йўқотдим туман йўлларда,
Сиз эса сарсонсиз гумон йўлларда.
Дийдорни топмоқлик армону лекин
Бир сизни йўқотдим осон йўлларда.

Шу бугун бунчалар йиғлоқи осмон,
Офтоб ҳам меҳрини тутади дариғ.
Турфа хил либосда товланар турмуш,
Кўнгилга хуш ёқар бу эски чориғ.

Билмайман, бу юрак нимани истар,
Телбавор хаёллар йиғлайди унсиз.
Тақдирнинг ҳукмими, тақдирнинг изми,
Мен сизсиз яшайман, сиз эса менсиз.

* * *

Ташқарида баҳор... исмимга
Ўхшаб гулга кирайин, дейман.
Ҳамма бахтли одамлар каби
Мен ҳам кулиб юрайин, дейман.

Аммо ҳали қилмай табассум
Кўзларимга тўлиб келар ёш.
Узоқ эмас, ўтган баҳорда
Гуллар эди мен билан сирдош.

Бугун худди бегонадаймиз,
Танимайди мени турналар.
Энди баҳор феълидай инжиқ
Табиатим минг бор турланар.

Кўп нарсага кўниккан кўнгил,
Ўжарланиб гапга кирмайди.
Доим унинг билгани-билган,
Мен бошлаган йўлдан юрмайди.

Мен унутдим, у ҳам унутди
Садоқатни, аҳдни, вафони.
Ҳеч нарсага парво қилмасдан
Гулга кўмгим келар дунёни.

* * *

Кимни алдаяпсан, наҳот ўзингни,
Ўзни алдамоқни кимдан ўргандинг?!
Ҳали юрагингга бегона туйғу,
Бегона ҳисни деб бунча ўртандинг.

Эсга олгинг келмас хотираларни,
Ортда қолиб кетди туманли йўллар.
Сени янги ҳаёт сари бошлайди
Ёнингда дўстона тутилган қўллар.

Ҳаммаям тушунмас сенинг дардингни,
Сенинг кимлигингни ҳеч ким билмайди.
Нега ёлғизлигинг, маҳзунлигингни,
Нега жимлигингни ҳеч ким билмайди.

Билмагани яхши, кимга ҳам керак
Дилни яралаган безовталиклар.
Ҳаловат хотиранг қасрини бузар,
Садоқат уни деб бир ҳайкал тиклар.

Яхши тушунасан бу юрак билан
Қийин ўзгаларнинг қўлини тутмоқ,
Хатолардан кечиш бунча азобли,
Э воҳ, бунча оғир уни унутмоқ?!

* * *

Тинчлик йўқ, руҳимда тинчлик йўқ,
Юрагим бир ором истайди.
У мени ўзимни унутиб,
Қанчалар севишим билмайди.

Тонг отар — шу ҳисдай покиза,
Гуллаган дарахтдек хаёлим.
Ёғмоқда айрилиқ ёмғири
Сезмайин шу гуллар уволин.

Тақдирнинг ҳукми бу, тақдирнинг,
Кетяпман олислаб минг одим.
Наҳотки, бир ширин табассум
Дилимга оловдек ишқ солди.

О, бунча бешафқат бу юрак,
Ўртанар, ўртаниб тинмайди.
Мен уни ўзимни унутиб
Қанчалар севишим билсайди.

ХАЙРЛАШУВ

Алқайми, не қилай, қарғайми,
Бизларни учратган тақдирни.
Ҳеч кимга ишониб айтмадим
Кўнглимга беркитган бир сирни.

Тушимни сувларга айтаман,
Ёмғирда ивийди хаёлим.
Наҳотки, мен учун сен золим,
Наҳотки, сен учун мен золим?!

Қаноти қайрилган қушлармиз,
Дийдорга топилмас баҳона.
Бизга бахт тилаган танишлар
Бизларни айлади бегона.

Бахт нима? Биз учун бахт — меҳр.
Топмадик меҳрибон дилларни.
Турналар қаноти устида
Кузатиб қўйяпмиз йилларни.

Баҳорни соғинган юраклар
Ҳеч кимга дардини айтмайди.
Биламиз, баҳорлар қайтса ҳам
Биз кутган турналар қайтмайди.

* * *

Кўнглинг ҳувиллаб қолса,
Бир нажоткор топмасанг.
Шу аҳволда минг ўлиб,
Тирилишни хоҳласанг.

Жонингга бошқа қайғу
Ҳукмин ўтказолмаса.
Юз буриб кетмаса у,
Ё сен билан қолмаса.

Ўртадаги бўшлиқни
Энлаб олса хавотир,
Шундай бедаво дардга
Мубтало бўлсанг ҳозир.

Бу тақдирнинг ҳукми, деб
Қисматга кўниб кетсанг,
Ёниб яшаб, умрингга
Андармон бўлиб кетсанг...

Сен бир ғалати одам —
Ўз исмини унутган,
Асли бир кам дунёдан
Доим мўъжиза кутган.

Тўрт ёнингда хатолар
Этагингга ёпишар.
Силлангни қуритмасин
Бу ўткинчи ташвишлар.

ЮРАК

Тасодифга тўла бу дунё,
Ҳар қадамда учрайди чоҳлар.
Бу ташвишлар билан иши йўқ,
Юрак бўлса, ненидир хоҳлар.

Унинг интиқ бўлгани МЕҲР,
У деб жонин айлайди фидо.
Ҳаёт ҳадя этса қувончлар,
Уни ғамлар қилади адо.

Туни бўйи тиним билмайди,
Вақтдан ҳам тез юрар кундузлар.
У кўзлардан тийрак нигоҳли,
У безовта, ненидир излар.

Кимдир менга берди маслаҳат:
«Юрагингнинг гапига кирма!
Нималарни орзу қилмас у,
Кейин афсусланиб ўтирма...»

Менга бўлса, ёқмади бу гап,
Бу сўзларга солмадим қулоқ.
Яшаш керак бўлса юраксиз
Бу ҳаётдан ўлим яхшироқ!

Яшайвердим ўз билганимча,
Юрагимга тиғлар санчилди.
Доим мағрур яшадим, аммо...
Тоғдек ғурурларим янчилди.

Енгилмоқни тан олгим келмас,
Менга бундай ҳаёт кераксиз.
Ўша одам айтган гаплар рост —
Яшаш осон экан юраксиз.

Мана, мен тинч яшай бошладим,
Бир орзусиз, битта тилаксиз.
Юз аср ҳам яшамоқ мумкин
Агар яшай олсанг юраксиз.

БАХТ...СИЗ...

Оҳ, яна меҳримни ўлдириб қўйдим,
Гўдак эди бечора меҳрим...
Юрагимда битта қабр бор,
Гул кўтариб келмайди ҳеч ким.

Сен исмимни айтиб чақирдинг,
Кимлигимни эслатдинг менга.
Жимлигимни кўриб, зерикдинг,
Кимлигингни айтмадим сенга...

Баҳор келди, гулга ўранди
Тўртта томон, бир бутун борлиқ.
Кўзларимга қарадинг бугун,
Тополмадинг бир бахтиёрлик.

Бахт... бу сўзни айтиш қўрқинчли,
Мен кулганда йиғлади кўнглим.
Кўзларингга тикилиб туриб
«Бахтлиман!» деб айтишга кўндим.

Билмадим бу туйғунинг исмин,
Тополмадим бошқа бир илож.
Ҳамма айтган гапга ишондим,
Мен ҳам бахтли бўлдим... на илож...

«Бахт — сиз!» деган юрак бегона,
Бахтсиз деган тамға дилимда.
Мен шундай бахт оғушидаман,
Бахт... деган сўз қолди тилимда.

Кўнгил гулин сўлдириб қўйдим,
Гўдак эди бечора меҳрим.
Юрагимда битта қабр бор,
Гул кўтариб келмайди ҳеч ким.

* * *

Бу кўнгилга нима керак, билиб бўлмас,
Баъзан унинг гапларига кириб бўлмас.
Сокин кузнинг кўзларига термулганча
Йиғлаш мумкин, йиғлаш мумкин, кулиб бўлмас.

Нафас олмай, ҳадиксираб турар барглар,
Қимирласа... тўкилади... тўкилади...
Япроқларнинг шивир-шивир овозидан
Узун-узун гўзал шеърлар ўқилади.

Шаббодалар шиддатини жиловлолмас,
Билиб-билмай дарахтларни ранжитади.
Ўртоқларин излаб юрган қайсар шамол —
Бебош бола, доим кўча чангитади.

Пахтазорда қолиб кетди сентябрь,
Буғдой экиш октябрнинг зиммасида.
Қиш турткилаб тинч қўймайди ноябрни,
У ўтинар: «Бироз чида, бироз чида...»

Фарзандидан жудо бўлган онаизор —
Ёлғиз дарахт не хаёлда, билиб бўлмас.
Дарахт эмас, одам бўлиб яшаш осон,
Йиғлаш осон, йиғлаш осон, кулиб бўлмас.

* * *

Сенга мендан кўра осонроқ,
Сенга анча яхши, бахтлисан.
Сен ийманиб яшайсан, бироқ,
Дардингни бировга айтмайсан.

Кеча-кундуз юрган йўлингни
Кузатади синчков тақдиринг.
Сен синовда енгилмайсан ҳеч,
Доим ютиб чиқади сабринг.

Ҳаёт шундай мураккаб, аммо
Бир жумбоқни ечиб бўлмайди.
Ҳар нарсадан кечиб бўлса ҳам
Орзулардан кечиб бўлмайди.

* * *

Бора-бора ўзимни ёлғиз сезиб боряпман,
Кўнглимнинг кўчасини ёлғиз кезиб боряпман.
Борса келмас бу йўлдан ҳаловат тополмасдан
Ўзимнинг юрагимни ўзим эзиб боряпман.

Бормай, десам бўлмайди, боргин, бор, дейди кўнглим,
Бу азобга умрингнинг ўзи зор, дейди кўнглим.
Шундай яшашни ўзинг бошлаганинг тўғрику,
Энди икки дунё ҳам сенга тор, дейди кўнглим.

Кўнглим айтган гапларга кўникканим рост экан,
Менинг тузалмас дардга йўлиққаним рост экан,
Энди билдим кимлигим, сен кетган йўлларингга
Кўзим тиниб кетса ҳам кўз тикканим рост экан.

Икки дунёсида ҳам мендайин ошиқ йўқдир,
Дунёда ҳофизлар кўп, бундайин қўшиқ йўқдир,
Менинг юрагим бахши, ҳеч ким билмаган яхши,
Бахтли бўлар эмишман, онамнинг кўнгли тўқдир.

Ҳеч ким билмас, ўзимни ёлғиз сезиб боряпман,
Кўнглимнинг кўчасини ёлғиз кезиб боряпман.
Борса келмас бу йўлдан ҳаловат тополмасдан
Ўзимнинг юрагимни ўзим эзиб боряпман.

Поклик орзуси

Олис манзилларни кўзлаб кетяпман,
Кўнглимга ишониб, бўзлаб кетяпман.
Икки хил муҳитнинг ичида қолдим,
Бир лаҳзада ёниб, музлаб кетяпман.

ПОКЛИК ОРЗУСИ

Энг узоқ йўллардан юргим келяпти,
Санагим келяпти қадамларимни.
Ҳозир нимагадир соғиниб кетдим
Ўзимнинг беғубор оламларимни.

Аслида мен жиддий одам эмасман,
Қушларга қўшилиб учгим келади.
Негадир қуёшни яхши кўраман,
Бепоён осмонни қучгим келади.

Менинг кимлигимни ўзинг биласан,
Баҳордан кўчирма беқарор феълим.
Бир кун қайтарасан асл ҳолимга,
Яралмишдан аввал мен тупроқ эдим.

Шунданми, заминга ихлосим баланд,
Шамолдек ер юзин кезгим келади.
Гоҳо вужудимга сиғмай қоламан,
Ғаройиб ҳисларни сезгим келади.

Аслида юрагим тўполондарё,
Умрим ўзанида оқиб боряпман.
Тақдирига кўнган мўмин бандадек
Сенинг ҳузурингга чопиб боряпман.

Бахт ҳам қизиқ эмас, жуда бахтлиман,
Эрта-индин гулга кўмилар дунё.
Юракни сел қилиб ёмғирлар ёғар,
Обираҳматингда чўмилар дунё.

Қиш бўйи борлиқни оқликка кўмдинг,
Мен ҳам қордек оппоқ бўлгим келяпти.
Қудратингни кўрсат, меҳрибон Эгам!
Ҳаммани бегуноҳ кўргим келяпти.

КУЛИШГА ҲАҚҚИНГ БОРМИ?

Бугун шодон куляпсан,
Кулишга ҳаққинг борми?
Бошқалардек бепарво
Юришга ҳаққинг борми?

Борми сенда шу дардни
Кечирмоққа бир сабаб,
Ё гапирмай, индамай
Туришга ҳаққинг борми?

Ўзинг бошлаган йўлнинг
Ярмидан қайтдинг бугун,
Бошингни тўрт деворга
Уришга ҳаққинг борми?

Ахир сен ҳам одамсан,
Сенда ҳам юрак бордир,
Бахт қасрини қўлингда
Қуришга ҳаққинг борми?

Умр экан ҳисобли,
Қил тез ҳисоб-китобни.
Энди бекорчи хаёл
Суришга ҳаққинг борми?

САВОЛ

Ҳаёт — бунча узун йўл,
Ярми дарё, ярми чўл.
Маслаҳат берар кимдир:
— Қоқилмагин, ҳушёр бўл!..

Аро йўлда адашмай,
Қоқилмаслик ҳам қийин.
Тақдир нима, тушунмай,
Баъзан ўйнайсан ўйин.

Йўл ярмига етганда,
Ўйланасан, тўхтайсан.
Яшаш сирин билмаган
Саводсизга ўхшайсан.

Бу дунёнинг сири кўп,
Барини ечолмайсан.
Ҳар нарсадан кечсанг ҳам,
Кўнгилдан кечолмайсан.

Бир ён чўл, бир ён дарё,
Бошингда минг хил савдо.
Йўлда учраганларнинг
Бири шоҳ, бири гадо.

Гоҳ жуда билимдонсан,
Гоҳ ғамгин, гоҳ шодонсан,
Бу беш кунлик дунёда
Сен қанақа меҳмонсан?

Юз эшикка борасан
Қадрингни суриштириб,
Ёлғизмас, эл қатори
Яшаяпсан, ишқилиб...

Денгиздек шиддатинг бор,
Дарё эмас, уммонсан.
Шу бугун тўғрисини
Айтчи, қандай инсонсан?

Гулбаҳор Ортиқхўжаева

* * *

Бандаларинг бандасидан нажот кутган замонда
Ҳамма бошқа томонда-ю, мен юрагим томонда.
Аслида-ку, менинг ҳам шу одамлардан фарқим йўқ,
Ўзим ерда, қўлим етмас орзуларим осмонда.

Кимдир мендан нажот кутар, қўлларим келар калта.
Мен ким бўпман карами кенг тангрим қараб турганда.
Ўзинг қўлла, ўзинг қўлла! Тўғри йўлга йўллагин,
Раҳмдилсан, раҳминг келар бандаңг йиғлаб турганда.

Ношудмизми, қоқилганда сени ёдга оламиз,
Бахт қуши бошга қўнганда унутгандек бўламиз.
Қанча куйиб-пишсак ҳамки, қўлдан бирор иш келмас,
Куйиб, кулга айланмаймиз, тақдирингга кўнамиз.

Ғам-андуҳдан қочиб бўлмас, қутулиб ҳам бўлмайди,
Мол-дунёдан кечсак ҳамки, кўнгил қурғур кўнмайди.
Тарки дунё қилмоқликка дилимиз эш бўлса ҳам,
Ҳо-ю ҳавас деганидан сира кечиб бўлмайди.

Ўнг елкамда Раҳмон йиғлар, кўрмаганга оламан,
Шу юз билан ҳузурингга қандай қилиб бораман.
Шукр, қалбим саждагоҳга талпиниб, учиб борар,
Мўмин қуллар қаторида мўмин бўлсам, зора ман.

Шояд, сенга банда бўлсак, бандам десанг бизни ҳам,
Фақат сенинг ҳузурингда қилсак бошимизни хам.
Номардларга бош эгмасак, ножинсларни кўрмасак,
Фариштадек ҳур бўлсагу ҳеч гуноҳкор бўлмасак.

Кўнгил тўла тоза тилак, ишонаман ҳаммага,
Караминг кенг, мўъжизанг кўп, меҳрингни дариғ тутма.
Дўст-душманнинг фарқи йўқми асли мўмин бандага,
Ҳамма мени унутса ҳам ёлғиз Ўзинг унутма!

Бандаларинг бандасидан нажот кутган замонда,
Умрим бошқа томонда-ю, мен юрагим томонда.
Дилга меҳринг тушиб, шунча МЕҲР топдим, аслида
Мен ҳам ҳамма бандаанг каби оддий бир ожиз банда.

ХАВОТИР

Бир иймонли бандангни дўст эт,
Иймон нелигини ўргансин юрак.
Бир виждонли бандангни дўст эт,
Виждон нелигини ўргансин юрак.
Мен ҳақимда кўплар гапираяпти,
Ўзим кимлигимни билишим керак!

Гулбаҳор Ортиқхўжаева

КУЙГАН КЎНГИЛ

Куйган кўнгил ўтида қолдим...
Қўшиқдан.

Куйган кўнгил куйласа ҳам маҳзун бўлар куйлари,
Маҳзунлиги майлику-я, узун бўлар куйлари.
Дарди борлар куйиб кетар бу куйларни тингласа,
Бедардларга ўқилган бир афсун бўлар куйлари.

Куйган кўнгил қўшиқ айтса, бор дардин қўшиб айтар,
Ўзга билан не иши бор, берилиб, жўшиб айтар,
Ғами борлар бу қўшиқни тингласа, ёниб кетар,
Бахтиёрлар бахт деб юрган бахтидан тониб кетар.

Куйган кўнгил бир шеър айтса, эшитган ўйга ботар,
У бир ёруғ туйғудирки, маҳзунни чоҳдан тортар.
У бир нола, юраги бор кишиларни тинч қўймас,
Кўнгил кўзи кўрларни ҳам охир бир кун уйғотар.

Куйган кўнгил бир йиғласа, осмондек тўлиб йиғлар,
Соҳиби шоҳ бўлса ҳамки, девона бўлиб йиғлар.
Чин ошиқлик нелигини англаган дамда эса
Бандаликнинг шартларини тушуниб, кўниб йиғлар.

Куйган кўнгил ўйга ботса, куйлатмасдан қўймайди.
Куйган кўнгил ғамга ботса, йиғлатмасдан қўймайди.
Кўнгилни шоҳ санаганлар шу синов билан яшар,
Куйган кўнгил эгалари қисмат билан ўйнайди.

Аҳли кўнгилни фарқлашга биргина мисол етар,
Ақли билан эмас улар кўнгли билан ўйлайди.
Ғолибми у, мағлубми у, икки дунё билолмас,
Тангри азм қилган ишни ҳеч ким таҳрир қилолмас.

* * *

Далада, даланинг қоқ ўртасида
Шом намозин ўқийди бир чол.
Осмон бошин қуйи солади,
Унинг кўнгли осмон эҳтимол.

Унча олисдамас, сал нарироқдан
Йўловчи мошинлар ўтиб турибди,
Шу пайтда оламда қанча одамлар
Дунё ташвишида ёниб юрибди.

Қанча одамларнинг дил кўзи сўқир,
Улар бу дунёнинг дарсини ўқир.
Узоққа учолмай бу эркин қушлар
Кўпроқ бир-бирининг кўзини чўқир.

Кимдир ёмон кўрар қоронғуликни,
Кимдир қаттиқ қўрқар зулматли тундан.
Бу одам тақдирнинг ҳукмидан қўрқмас,
Бу одам дунёни севади чиндан.

Умри шу далада, меҳнатда ўтган,
Оппоқ яктагидек кўнгли ҳам оппоқ.
У ҳалол касбини яхши кўради,
Унинг қисматдоши шу она тупроқ.

Элнинг ризқи унар она заминда,
У сув қўйган жойда сувмас, оқар бол.
Даладан — умрининг андозасидан
У чинакам бахтин топган эҳтимол.

Балки, шунинг учун шукрона айтар,
Кўп деб яратганнинг мўъжизалари.
Бунча яхши, бунча эзгуликка бой
Унинг бу дунёга қилган сафари.

Далада, даланинг қоқ ўртасида
Шом намозин ўқийди бир чол.

* * *

Ташқарида кенг осмон,
Ичкари — худди зиндон.
Қуш сиғмаган қафасда
Яшайверади инсон.

Ана, тумонат одам,
Ҳаммада бир нарса кам,
Тўғри, нотўғри қадам
Ташлайверади инсон.

Баланд тутар ўзини,
Тушунмайсан сўзини,
Баъзан икки кўзини
Ёшлайверади инсон.

Юмуш кўп, тирикчилик,
Баъзида шерикчилик,
Дўсти бўлса яхшилик
Ризқин теради инсон.

Олгани кўп Худодан,
Топгани кўп дунёдан,
Бир кун топган-тутганин
Қайтиб беради инсон.

Қилолмас тарки одат
Дўст бўлмаса қаноат,
Бўлмаса ҳам саломат
Чидайверади инсон.

Вафоли ҳеч нарса йўқ,
Хато ишларимиз кўп,
Кўзига суқсалар чўп
Чўпга суянар инсон.

Банда бўлгани билан,
Тақдирга бермайди тан.
Яратган Эгасидан
Қачон уялар инсон?

* * *

Кимгадир фарқи йўқ менинг борлигим,
Кимлардир энг яқин сирдош дер мени.
Бахтсизлик ва ёки бахтиёрлигим —
Мен яна негадир ўйлайман сени.

Меҳрибон юракдан чиққан яхши сўз
Кўнгил ярасига қўяди малҳам.
Гоҳида жонининг дардида эмас,
Бир огиз сўзни деб яшайди одам.

* * *

Оёқ узатаман кўрпамга қараб,
Ўзим истагандек яшамайман мен.
Сохта табассумим томоша қилма,
Менинг кимлигимни билмайсанку сен!

Ўтинаман, энди савол бермагин,
Барибир айтмайман жавобларини.
Истасанг, биз бирга ўтга ташлаймиз
Бу дунёнинг ҳамма ниқобларини.

Фақат, алдамайлик бир-биримизни,
Ўзинг айтган гапга ўзинг ишонгин.
Мен ҳеч айбламайман тақдиримизни,
Чиндан ҳам бахтли бўл, чиндан қувонгин.

* * *

Ишонинг, тушунгим келади сизни,
Эртароқ тугатгим келади қишни.
Баҳорни соғиниб қанча уринмай,
Уддалай олмайман бу мушкул ишни.

Ўзи ғалатида одамнинг феъли,
На ёзга, на қишга кўниб бўлади.
Минг бир синоатга тўладир кўнгил,
Бу сирларни қайдан билиб бўлади.

Умрнинг безаги меҳр деган ҳис,
Мен учун ҳаммадан меҳрлисиз сиз,
Муз қотиб улгурган қалбимга кирди
Қуёшнинг тафтидан иссиқ меҳрингиз.

Лекин, билмайсиз-да, бу телба юрак
Кечмас хотиржамлик топган жойидан.
Кўнглим — эртакдаги қор маликаси,
Ажралгиси келмас муз саройидан.

Сиз юрган йўлимда йўлиққан бир бахт,
Юрагим бир дўст деб билади сизни.
Мени деб бунчалар безовта бўлманг,
Қувонинг, тушунгим келади сизни.

ЙЎЛ УЗУН...

Йўл узун, бу йўлнинг ярмига етмай
Тўрт фаслни яшаб бўлдинг сен.
Баҳорларда гулга ўранган
Йўлга хазон тўшаб бўлдинг сен.

Сен ўйлайсан тун бўйи бедор:
Келарми бу сўқмоққа баҳор.
Аҳволингни сўраб ўтирмай,
Қор ёғяпти, оппоққина қор.

Ўтирмайсан тақдирни койиб,
Зериккансан телба ишқингдан.
Сен ўтмишдан паноҳ излайсан,
Нажот ҳам кутмайсан ҳеч кимдан.

Йўл узун, йўл сира тугай демайди,
Изғирин жон-жонингдан ўтар.
Ўтиб кетган кунлар қайтмайди,
Қўй, йиғлама, бошингни кўтар!

Қизғон, яшир кўз ёшларингни
Бошингдаги осмон кўрмасин.
Ҳатто йўлда учраган армон
Ва бирорта шодон кўрмасин.

Ўтиб кетди муҳаббат фасли,
Хотирада қолсин ҳижронлар.
Унутма, бу йўлда йўловчи
Бу дунёда ҳамма инсонлар.

ХАЁЛ

Болалик қолди ортда,
Ёшликдан кетгим келмас,
Бу бевафо ҳаётда
Ўттиздан ўтгим келмас.

Яшасам дейман кулиб
Гуллар тўла гулзорда.
Ахир, яшагим келиб
Туғилганман баҳорда.

Баҳор келса, ҳаммадан
Кўп қувонган ўзимку,
Кўнглим айтган гапларга
Кўп ишонган ўзимку.

Ёзни, кузни кўриб ҳам,
Қишда музни кўриб ҳам,
Минг хил юзни кўриб ҳам,
Сен деб ёнган ўзимку.

Йиллар этагин тутиб
Қайга шошаман бунча,
Тўйиб гаплашиб олай
Ёшлик билан бугунча.

Вафоси йўқ йилларнинг
Қўлини тутгим келмас.
Ёшлигим ташлаб кетиб,
Ўттиздан ўтгим келмас.

* * *

Бизларни олис бир манзилга
Бошлайди бу умр йўллари,
Ҳаётнинг мазмуни — отамнинг
Меҳнатда қабарган қўллари.

Додимни душманга айтайми,
Дўстимнинг қўлида тош кўрсам.
Ер билан осмон ҳам бир қадам,
Онамнинг кўзида ёш кўрсам.

Умр қисқа, БАХТни кутмасдан
Қайларгадир шошар одамлар,
Орзусига етиб-етмасдан
Қаддин эгиб қўяди ғамлар.

Кимдир менга қилар насиҳат:
«Бу ўткинчи умр ғанимат...»
Осмон бўлиб, заминга боқсам,
Аён бўлар айни ҳақиқат.

Олислардан мунғайиб боқар,
Энди армон бахтли болалик.
Фарзандингиз билмайди ҳозир,
Осонмаскан ота-оналик...

Ташвишлардан елкангиз чўкиб,
Эгилмасин мағрур бошингиз.
Майли, йиғланг, тўкилиб битсин
Киприкда титраган ёшингиз.

Синалармиш суйган бандаси,
Тақдир деган синовга қуллуқ.
Бу дунёнинг армони нима,
Ахир, ойнинг ўн беши ёруғ!

ДЕКАБРЬ

Узоқ куттирмасдан келди декабрь,
Кунлар бир биридан сўрайди қадр.
Қафасдаги қушдек ўртанар юрак,
Мен эса, сабримга тилайман сабр.

Кўнгил торларини чертар хаёллар,
Йўл юриб чарчамас хотираларим.
Йўл тугай демайди, йўл тугамайди,
Йил тугаб боряпти, ўйлаган сарим...

Қайгадир шошилиб кетиб боряпман,
Мен кўзлаган манзил эса олисда.
Бирма-бир орзумга етиб боряпман,
Чўққиларга чиқиш осонмас қишда.

Кун бўйи қуёшни учратганим йўқ,
Тонгда ҳам, тушда ҳам бир хилда осмон.
Шом тушиб боряпти кўнгил юртига,
Бу ҳолда тун билан юзлашиш осон.

Мудраб бораяпти ҳамма дарахтлар,
Фақат яшил арча хотиржам, бедор.
Унга ҳеч нарсанинг фарқи йўқ гўё,
Унга фарқи йўққу келса ҳам баҳор.

Кўкламни хуш кўрсам нима қилайин,
Орзулар туғилар янгидан-янги.
Умр бўйи бир хил кайфият билан
Шундай бегам яшаш яхшидир балки.

Балки, бу безовта ўйлар бағрида
Улғайиб боряпти ёшлик йилларим,
Қандай янгиликлар ҳадя этаркин
Менинг декабрга қилган сафарим.

* * *

Йилнинг боши ҳам қиш, охири ҳам қиш,
Узун йўл январдан декабргача.
Биримиз шодонмиз, биримиз хомуш,
Ўйинчоқлар илдик яшил арчага.

Кимдир шеър айтади, кимдир рақс тушар,
Ғамлар унутилиб, янграйди қўшиқ.
Бу даврага кирсанг, ёдингдан чиқар
Эски йил юракда қолдирган чандиқ.

Кексалар қўлини дуога очар:
«Бу кунга етган бор, етмаганлар бор...»
Ёшлик ҳам ўткинчи, умр ўткинчи,
Шодланинг, қувонинг, бошқаси бекор!

Бир-бирин қувалаб ўтади кунлар,
Ойлар қўл ушлашиб қўшиқ айтади.
Ўрин алмашади ҳар хил фасллар,
Соғиниб кутамиз, баҳор қайтади.

Худди тушга ўхшар инсоннинг умри,
Кеча бола эдик, бугун каттамиз.
Янги йил келтирар янги орзулар,
Энди эски йилга хайр айтамиз.

Агар орзуингиз баланд тоғ бўлса,
Сизга насиб қилсин чўққига чиқиш.
Эътибор берсангиз, ҳаёт ажойиб,
Йилнинг боши ҳам қиш, охири ҳам қиш.

ШОИР

Осмон тинмай шеър ёзаяпти,
Дурдек сўзлар тўкилар ерга.
Дилимдаги безовта ҳислар
Нимагадир сиғмайди шеърга.

Ёлғизоёқ йўлдан юраман,
Ён-атрофга маҳлиё бўлиб.
Қор учқунлаб, тушар изимга
Менинг ёлғиз юрганим кўриб.

Баланд бўйли таниш дарахтлар
Термулади бу манзарага,
Тошли йўлдан юриб, зерикдим,
Кетиб қолгим келар далага.

У шеър ёзар зўр илҳом билан,
Мени қойил қилмоқчи гўё.
Мен индамай кетиб боряпман,
Унга таслим бўляпти дунё.

Тўрт томонни оқликка буркаб
Осмон тинмай шеър ёзаяпти,
У ҳам менга ўхшаб, тинч эмас...
Шу дард дилимни эзаяпти.

Ана, икки севишган юрак
Қараб тўймас бир-бирларига.
Улар бугун алишмас қорни
Бу дунёнинг дуру зарига.

Ёдга тушар олис хаёллар,
Хаёл мени этади мажнун.
Мен ҳам бахтли бўлишим керак
Бу дунёда яшашим учун.

Шўхликлари сиғмай ичига
Қор отади қизларга кимдир.
Балки, менга эргашган оқ қор
Қадр излаб юрган севгимдир.

Балки, у ҳам мендек безовта,
Дилидагин айтолмай ҳалак.
Уни сўзсиз тушуняпману
Нимагадир ўртанар юрак.

Мен ҳам бир тўп дурни ҳовучлаб...
... охир таслим бўламан... қойил!
Шикоятга, баҳсга ўрин йўқ,
Бугун осмон энг яхши шоир!

* * *

Қиш қаҳридан музлаган дилни
Баҳорларда гулга кўмаман.
Ич-ичимни қоплайди туман,
Беихтиёр ўйга чўмаман.
Анҳорларга кўнгил ёрсам ҳам
Бу қайғудан қутулиб бўлмас.

Йўл юраман, эргашар доим,
Қолгин, десам, гапимга кўнмас.
Тақдиримга битган Худойим,
Дилга тушган оташи сўнмас.
У мен билан қайга борсам ҳам,
Бу туйғудан қутулиб бўлмас.

Ўтган кунлар қайтиб келмайди,
У кунларга қайтиб бўлмайди.
Юрагимга беркитган сир у,
Ҳеч кимсага айтиб бўлмайди.
Унга етмоқ душвор... билсам ҳам
Бу орзудан қутулиб бўлмас.

* * *

Қандай яхши,
Чиройли ёмғир ёғаётган бўлса...
Ёмғирда сочларингни ювгинг келса,
Севиниб кетсанг!

Қандай ёмон...
Тағин шамоллаб қолмайин, деб
Ўзингнинг истакларингга қарши бориб
Ёмғирпўшнинг остида ишга шошилсанг.

КЕТМА, ДЕМА...

Кетма, дема, кетишим керак,
Яна қайтиб келишимни кут.
Мени излаб топгин истасанг,
Унутишни истасанг, унут!

Юзларингни ёмғирлар ювди,
Мен ҳаттоки ёмғир эмасман.
Кўп кутмагин қайтишимни ҳам,
Қайтаману, кутгин, демасман.

Сени қаттиқ соғинган эдим,
Яна сенга ўрганиб қолдим.
Борлигингга ишондим яна,
Яна қаттиқ ўртаниб қолдим.

Юракдаги телба туйғулар
Бир кун мени қилади хароб.
Изн бермас тезроқ кетишга
Этагимга осилган сароб.

Бу дунёда яшамоқ учун
Кўп нарсага чидаса бўлар.
Кетма, дема, кетишим керак,
Мени кутиб турибди йўллар.

МУНДАРИЖА

ГУЛЛАГАН ДАРАХТ

Қалб 4
Гуллаган дарахт 5
«Юрагимнинг ёнидан ўтган ёлғиз оёқ йўл...» 7
«Мажнунтол тагида ёғоч ўриндиқ...» 8
«Кўклам келса...» 10
«Яна кўзларимда кузнинг суврати...» 11
«Қуш бўлиб осмонга учгим келяпти...» 12
«Бу кўнгилга нима керак, билиб бўлмас...» 14
«Қандай жим юраман кузги боғларда...» 15
«Заминдан узоқлаб кетганда қуёш...» 16
Йўл 17
«Тун чўкди, тиз чўкди куннинг пойига...» 19
«Шошилганча ишга кетяпман...» 20
«Бу дунёнинг темир конунлари — қолиплари кўп...» 22
«Қўй, йиғлама, юрагингга раҳм қил...» 23
«Юрсам, мен йўлнимас, йўл мени эзар...» 24
Тошкент 25
Кетяпман 26

ОЛИС ЙЎЛ

Кўнгил 28
Она тупроқ 30
Она 32
Онажон 33
«Эркалагим келиб бошин силасам...» 34
Илҳом париси 35
«Биз қушларнинг қўшиғини эшитмаймиз...» 36
«Қайта гулламоқда ҳаёт дарахти...» 37
Афсус 38
Кайфият 39
«Энг ёруғ, энг нурли гўшалар...» 40

Бахт(сиз)ли қиз 41
«Вақт ўтар дарёдек шовуллаб...» 42
Бева аёл 43
Бемор 44
«Ошқозони ҳуштак чалади...» 45
«Сен беш кунлик меҳмонсан бу дунёда...» 47
Ишонч 48
Аёл ҳасрати 49
Қишлоқ 50
Тутқун қуш 52
Ёмғир ёғар 54
«Мен сени кўп изладим...» 55
Оққуш эдим 56
«Бу одам қалбини кўтариб келди...» 58
Яхши одам 59
Умр 60

БОРЛИК ЙЎҚЛИК ОРАСИДА

«Сизга ярашади қуёшли кунлар...» 62
Вақтида билмайман вақтнинг қадрини 64
«Дилда ғам йўқ, фақат армон бор...» 65
Борлик йўқлик орасида 66
Кўзим юмдим 68
«Жилмайиб қўяман Сизни эсласам...» 69
«Кеча бахтли эдик...» 71
«Йўлингизга етмаса йўлим...» 72
Мен сизни йўқотдим 73
Ҳижрон қўшиғи 74
«Кўзингизни кўргани келдим...» 76
Сизни кутаяпман 77
«Иғволарни тинглаб ўтирманг...» 78
Унутибман 79
Ўйлайман 80
«Ҳали бир чиройли кунлар келади...» 81
«Бизни синаб кўрди ҳаёт...» 82

ДИЙДОР СОҒИНЧИ

Орзу 84
Баҳор келди 85
«Мен фақат кўнгилнинг йўлидан юриб...» 86
«Қишнинг совуғига парво қилмайман...» 87
«Ярим тун... хаёлинг тинч қўймас мени...» 88
Учрашув 89
«Соғинчлардан безиб боряпман...» 90
«Бегонаман...» 91
«Сен юрган йўллардан юриб...» 93
«Ёнингда турибман...» 94
«Изимга изи тушса...» 95
Айрилиқ 96
Сир 97
«Бу сўзлардан кейин гапириб бўлмас...» 98
Саккизинчи қават 100
Аросат 102
«Бунчалар аламли бўлмаса...» 103
«Ўз ўзингни алдаб яшамоқ надир?» 104
«Уни қишда топгандим...» 105
«Сенинг сўзларингни эшитди Худо...» 106
«Нега учраштирдинг...» 107
«Юрагингда бир гул очилди...» 108
Тақдир дегани шу 109
«Ўша куни қуёш бошқача эди...» 110
«Мана, кулиб тушган сувратинг...» 111
Дийдор соғинчи 112

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚЎШИҒИ

«Бугун офтобга боқиб...» 114
«Мен ишқталаб девонаман...» 115
«Сени излаб, топмадим...» 116
«Ўзимни хор қилдим мен...» 117
«Юрагингга сиғмай...» 118
«Ҳеч ким мени...» 119

Айрилиқ 120
«Салом-алик қилдик бегоналардек...» 121
«Ташқарида баҳор...» 122
«Кимни алдаяпсан...» 123
«Тинчлик йўқ, руҳимда...» 124
Хайрлашув 125
«Кўнглинг ҳувиллаб қолса...» 126
Юрак 127
Бахт...сиз 129
«Бу кўнгилга нима керак, билиб бўлмас...» 130
«Сенга мендан кўра осонроқ...» 131
«Бора-бора ўзимни ёлғиз сезиб боряпман...» 132

ПОКЛИК ОРЗУСИ

Поклик орзуси 134
Кулишга ҳаққинг борми? 135
Савол 136
«Бандаларинг бандасидан нажот кутган замонда...» 138
Хавотир 139
Куйган кўнгил 140
«Далада, даланинг қоқ ўртасида...» 141
«Ташқарида кенг осмон...» 142
«Кимгадир фарқи йўқ...» 143
«Оёқ узатаман кўрпамга қараб...» 144
«Ишонинг...» 145
Йўл узун 146
Хаёл 147
«Бизларни...» 148
Декабрь 149
«Йилнинг боши ҳам қиш, охири ҳам қиш...» 150
Шоир 151
«Қиш қаҳридан музлаган дилни...» 153
«Қандай яхши...» 154
Кетма, дема 155

Гулбаҳор Ортиқхўжаева

ЙЎЛ

Шеърлар

Адабий-бадиий нашр

Масъул муҳаррир *Рустам Мусурмон*
Муҳаррир *Абдулҳамид Омонов*
Мусаҳҳиҳ *Абдумажид Аҳмедов*
Бадиий муҳаррир *Шерзод Расулов*
Мусаввирлар *Зафар Юсупов,*
Акмал Икромов

Китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни qalam_2011@mail.ru
электрон почтасига ёзиб юборишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги «Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. AI №133, 14.03.09.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефон: (371) 233-05-97, 233-81-53.
Факс: (371) 233-84-80, 233-67-65.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz
adolatnashr@olam.uz

Теришга берилди 01.11.2012 й. Босишга рухсат этилди 07.01.2013 й.
Қоғоз бичими 60x90 $^1/_{16}$. «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 10,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 4,57. Адади 2000 нусха.
005-буюртма. Нархи шартнома асосида.

«KO'HI-NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўч., 44-уй.